

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ТАДБИҚИЙ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент - 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

**ЎзМУ, доценти
З.Э.Абдурахмонова**

Такризчи:

**ТТЕСИ профессори
ф.ф.д.Ф.Р.Абдурахмонов**

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг кенгашининг 2017 йил _____ даги ____ -
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	68
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	70
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	72
VII. ГЛОССАРИЙ	73

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Бугунги кунда тадбиқий ижтимоий психология барча фан соҳаларига, барча ташкилотларга кириб борган, чунки гуруҳлар масаласи унинг ташкилотдаги ўрни муҳим ҳисобланади. Ҳар бир ташкилот, корхона, ўқув масканларида катта гуруҳлар, кичик гуруҳлар, диффуз гуруҳлар, норасмий гуруҳлар мавжуд уларни зиддиятларга бормаслиги учун ҳам мазкур курсни ўқитиш муҳим ҳисобланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ўқув фанининг мақсади тадбиқий ижтимоий психология методини тушуниш умумий психология ва социология предметини тушунишига боғлиқлигини ўрганиш. Психология ва социологик адабиётларда ижтимоий психология предметини бирдек тушуниш йўқлигини таҳлил қилиш. Тадбиқий ижтимоий психология предметига нисбатан мавжуд уч нуктаи назарларни ўрганиш. Тадбиқий ижтимоий психологиянинг бошқа фанлар, психологиянинг бошқа туркумлари билан муносабати. Тадбиқий ижтимоий психология предмети тушунчаси. Тарихни танқидий анализ қилиш ва чет ижтимоий психологиясидаги назарияларнинг, оқимларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган

Ўқув фанининг вазифалари Тингловчиларни тадбиқий ижтимоий психология модулининг назарий асослари ва инсон тараққиёти қонуниятларини тадқиқ этиш учун амалий материаллар билан қуроллантириш.

Тадбиқий ижтимоий психологиянинг назарий асосларининг талабалар томонидан онгли равишда ўзлаштирилиши; мазкур фан амалиёти билан танишиш; мустақил билим олиш муҳимлигини англаш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Ўқитишдан кутиладиган натижа - тингловчилар тадбиқий ижтимоий психологияга оид билимларни назарий ва амалий жихатдан ўзлаштириши.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг “Кластер”, “Бумеранг”, “Матбуот конференцияси” сингари методлари орқали ҳамда слайдлар, мультимедиа намоёишлари билан ўтказилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тадбиқий ижтимоий психология” модули мазмуни ўқув режадаги “Психологик маълумотларни компьютерда қайта ишлаш” ва “Педагогик психологиянинг долзарб масалалари”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модуллари билан ҳамда “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда психологиянинг ўқитиш самараси, ва республикамизда психология фанининг ривожланиши, психологияни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ижтимоий кадрятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини, гуруҳларнинг миллат ҳамда жамият равнақидаги ўрнини талабаларга тушунтириш, уларда ижтимоий гуруҳларни тушуниш, таҳлил ва тадқиқ этиш малакасини ҳосил этиш, ижтимоий рол тушунчаси. Ижтимоий роль-ижтимоий фаолиятни ижтимоий зарурий тури-ижтимоий муносабатлар системасидаги шахсни ўрни билан белгилаб берилган шахс хатти-ҳаракатининг усули, мазмун ва шакл, мавзу ва ғоянинг моҳияти билан таништиришга кўмаклашишга ёрдам беради.

“Тадбиқий ижтимоий психология” Модулнинг соатлар бўйича тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси				
			Жами	жумладан			
				Назари	Амалий		
1.	Таълимдаги тадбиқий ижтимоий психология	4	4	2	2		
2.	Ўқув фаолиятини ташкил этиш	6	6	2	2	2	

	шакллари, дарс типлари						
3.	Тадбиқий ижтимоий психология ва сиёсат	4	4	2	2		
4.	Сиёсий онг ва тафаккурнинг генезиси ва ўзига хос жиҳатлари	4	4	2	2		
5.	Омма сиёсий психологияси	6	4	2	2		2
6.	Иқтисодиёт соҳасидаги тадбиқий ижтимоий психология	6	6	2	2	2	
7.	Инсон саломатлигига оид тадбиқий ижтимоий психология	8	6	2	2	2	2
8.	Шахсинг ички (ўзи билан ўзи) руҳий конфликти	6	4		4		2
Жами:		44	38	14	18	6	6

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – Мавзу. Таълимдаги тадбиқий ижтимоий психология

Таълимдаги тадбиқий ижтимоий психология. Психология фанларини ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари, психология курсини тузиш учун асос бўлган тамойиллар, психология фанларини ўқитиш методикасининг қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари бўйича таълим тамойиллари. Энг муҳим дидактик тамойиллар ва олий мактабда ўқитиш тамойиллари.

2 – Мавзу. Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари, дарс типлари

Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари, дарс типлари. Материалларни ўрганиш дарси, билимларни мустаҳкамлаш кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси, умумлаштириш ва тизимлаштириш, билим, маҳорат ва кўникмаларни назорат қилиш ва тузатиш дарси.

Ўқитишнинг интерфаол усуллари, эвристик суҳбат, баҳс усули, ақлий ҳужум, давра столи, ишбилармонлик ўйини усули, ижтимоий психологик тренинг.

3 – Мавзу. Тадбиқий ижтимоий психология ва сиёсат

Тадбиқий ижтимоий психология ва сиёсат. Психология ва сиёсат. Ички сиёсат, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар сиёсий психологияси, ҳарбий-сиёсий психология.

4 – Мавзу. Сиёсий онг ва тафаккурнинг генезиси ва ўзига хос жиҳатлари
 Сиёсий ижтимоийлашув механизмлари, даражалари, асосий поғоналари ва тизими. Сиёсий онг ва тафаккурнинг генезиси ва ўзига хос жиҳатлари. Сиёсий фаоллик, сиёсий сусткашлик ва сиёсий бегоналашув. Сиёсий иштирок турлари ва мотивацияси. Сиёсий етакчининг ажралиб чиқиши ва сиёсий элита психологияси. Сиёсий етакчиликнинг психологик омиллари: устунлик ва бўйсунуш.

5 – мавзу: Омма сиёсий психологияси

Ижтимоий установка тушунчаси. Ижтимоий установкакаларни ўрганишда Узнадзе мактаби тадқиқотларининг аҳамияти. Совет психологиясида ижтимоий установкакаларни ўрганишга бўлган турли ёндашуулар.

Ижтимоий установка структураси. Ижтимоий установкакалар эмоционал когнитив ва ҳатти-ҳаракат компонентлари. Ижтимоий установкакалар ўзгариши муаммоси ва унинг назарий ва амалий аҳамияти.

6 – мавзу: Иқтисодиёт соҳасидаги тадбиқий ижтимоий психология

Омма сиёсий психологияси. Катта (миллий-этник) ва кичик гуруҳлар сиёсий психологияси. Ҳокимият психологияси. Психологик тўқнашувлар тавсифи. Хавфсизлик психологиясининг амалий жиҳатлари.

7 – мавзу: Инсон саломатлигига оид тадбиқий ижтимоий психология

Иқтисодиёт соҳасидаги тадбиқий ижтимоий психология. Иқтисодий психология ва психологик иқтисод тўғрисида.

Иқтисодий психология: тарих ва бугун. Пул психологияси. Истеъмол психологияси. Тадбиркорлик психологияси. Маркетинг психологияси. Реклама психологияси. Иқтисодиёт ва гендер психология. Маъмурий менежмент психологияси. Иқтисодий психология ва ижтимоий амалиёт. Иқтисодий социализация ва адаптация.

8 – мавзу: Шахснинг ички (ўзи билан ўзи) руҳий конфликти

Инсон саломатлигига оид тадбиқий ижтимоий психология. Саломатлик психологияси: фан ҳамда амалиёт сифатида. Соғлом бўлишнинг психологик асослари. Саломатликни таъминловчи зарур биологик ҳамда психологик босқичлар. Психологик мослашувчанлик ва мувозанатни баҳолаш мезонлари. Маънавиятлилик психологик саломатликнинг мезони сифатида. Ортобиотика ёки ортобиоз: фан ва амалиёт талқини. Ўзни қадрлаш ва саломатликни асраш мезонлари. Саломатлик гигиенаси ва профилактикаси.

Шахснинг ички (ўзи билан ўзи) руҳий конфликти.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Кўчма машғулотни ташкил этиш шакли ва мазмуни

Кўчма машғулотлар модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;

- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**1,0 балл.**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«ФСМУ» методи


Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Интернетнинг мультимаданий мулоқот майдони” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Хал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Постиндустриал жамият</i>			
<i>Ахборот жамияти</i>			
<i>Билимларга асосланган иқтисодиёт</i>			
<i>Виртуал жамият</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Бумеранг” технологияси

Мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тугри жавоб учун 1-3 гача балл куйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат килинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

<p style="text-align: center;">1- гуруҳга вазифа</p>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегишли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиб керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида; - “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб; - “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали
<p style="text-align: center;">2- гуруҳга вазифа</p>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосида кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргалликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>
<p style="text-align: center;">3- гуруҳга вазифа</p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдими учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мушқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<p style="text-align: center;">4- гуруҳга вазифа</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишда уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир. - Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – Мавзу: Таълимдаги тадбиқий ижтимоий психология

РЕЖА:

- 1.1. Ижтимоий психологияни фан сифатида тан олиниши
- 1.2. Халқлар психологиясиназарияси
- 1.3. Омма психологияси назарияси
- 1.4. Ижтимоий ҳаракат инстинкти назарияси

Таянч иборалар: жамият, социологик, психологик, омма, оломон.

1.1. Ижтимоий психологияни фан сифатида тан олиниши

Ижтимоий психология ёш фан. Биз ҳар доим ўқувчиларга социал психологияни ёш фан эканлигини эслатамиз, чунки биздаги мавжуд бўлган саволларни қисман бўлсада ўзгартириб боради. Лекин бу ҳақиқат. Ижтимоий психологияда олиб борилган биринчи эксперимент ҳақидаги фикрлар 1898 йилда пайдо бўлган. 1924 йилда ижтимоий психология бўйича биринчи дарслик нашр этилди. Ижтимоий психология 1931 йилдан бошлаб ўзининг ҳозирги кўринишга эга бўлди. Ижтимоий психология – бу психология фанининг шундай бўғиники, одамларнинг ўзаро ҳаракатлари натижаси сифатида намоён бўлувчи ижтимоий психологик функциялашувни ўрганеди.

Бугунги кунга келиб ижтимоий психологиянинг кизиқишлар сфераси кенгайиб бормоқда. Ижтимоий психология қуйидаги муаммоларга диққат қаратмоқда:¹

- **Вазиятнинг ҳукимдорлиги.** Биз ҳаммамиз бирон бир вазиятга тушамиз ва шу вазиятдан чиқишга ҳаракат қиламиз.

- **Шахс ҳукимдорлиги.** Биз ўзимизнинг ижтимоий дунёқарашимизни яратамиз. Шахснинг гуруҳдаги иштироки гуруҳнинг қандай тузилганлигига боғлиқ. Агар гуруҳ нотўғри тузилган бўлса унинг аъзолари бунга ўз ютуқларини олиб киради (ёки ёмонлик, қаршилиқ қилиш). Бундай вазиятга ҳар бир одам турлича таъсир кўрсатади

- **Ўз-ўзини англаш.** Одамлар турлича фикрлайдилар. Улар ҳар хил фикрлаганлари учун ҳам турли хил таъсир кўрсатадилар.

¹ Myers DG Social psychology HcCraw-Hill education 2002 21-23

- Ижтимоий психологияда принципларни амалий жиҳатдан қўллаш.

Ижтимоий психология психологиянинг бошқа тармоқлари ва социалогоиядан тубдан фарқ қилади. Социал психология инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабати, бир- бири ҳақида нималарни айтиши, бир- бирига таъсир кўрсатишини ўрганади.

Ҳозирги кунда социал психологиянинг **предметини** қуйидагича таърифлаш мумкин:

Ижтимоий психология - одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир. Чунки кўп вақт давомида ижтимоий психология фанининг предмети борасида тортишувлар кечгандир. Сабаби - ижтимоий психология фани икки турдаги қонуниятлар — ижтимоий таракқиёт ҳамда психик таракқиёт қонуниятлари билан иш олиб боради. Шунинг учун бўлса керак ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ва у ўрганадиган соҳалар борасида турлича қарашлар ва тортишувлар мавжудлигини кузатамиз.

Социал психолог ва социологларнинг қизиқишлари гуруҳдаги инсонларнинг хулқ-атворини ўрганишга қаратилган. Шунини таъкидлаш керакки, социологлар ўша даврларда кичик гуруҳлардан тортиб катта гуруҳ (масалан, жамият ва унга тегишли бўлган махсус тенденциялар) аъзоларининг сони нечтани ташкил этишини ўрганганлар. Социал психологлар эса гуруҳда инсонларнинг индивидуум сифатида ўртача меъёрини ва уларни гуруҳ аъзоларининг бир-бирига таъсирини ва уларни ўзаро муносабатларини нимани ҳис қилишларини ўрганади. Бундай тадқиқотларни ўтказиш асосида гуруҳнинг индивидуумга таъсири, шунингдек индивидуумнинг гуруҳга таъсири ўрганилади.

Қуйидаги мисолларни келтириш мумкин Социолог гражданлик никоҳларини ва ажрим сабабларини ўрганса социал психологлар эса инсонларнинг бир- бирига бўлган муносабатларини (ёқимлилиқ) ўрганади.

Социал психолог ва социологлар баъзида бир хил тадқиқот методини қўлласаларда психологлар эксперимент ўтказишда олинган факторларга асосланади.

Ижтимоий психология ва шахс психологияси²

Ижтимоий психология ва шахс психологияда индивидуни ўрганишга бўлган қизиқиш бир хил бўлиб бир-бирига мос келади. Ижтимоий психология соҳасида шахсни ўрганиш устида олиб борилаётган тадқиқотлар

² Myers D.G. Social psychology McGraw-Hill Education 2002 21-23

масаласи, айниқса бу борадаги амалий вазифалар ижтимоий психология фанининг марказида турувчи психологик ва социологик ёндашув йўналишлари асосида ҳал қилинмоқда. Масалан, Америка ва бошқа барча ғарб давлатларида шахсни ўрганишга нисбатан икки хил ижтимоий психология - "психологик ижтимоий психология" ва "социологик ижтимоий психология" мавжуд. Бу йўналишлар бир-бирига ўхшасада, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни психологик социал психология шахс ва фаолият, муомала, шахслараро муносабат, шахснинг ижтимоий-психологик тузилиши, шахснинг когнитив, конатив, хулқ-атвор имкониятларини ўз ичига олган ижтимоий установакалар, шахс ва жамоанинг ижтимоий-руҳий кечинмалари каби муаммолар устида тадқиқот олиб боришни мақсад қилиб олган бўлса, социологик ижтимоий психологияда эса кўпинча жамиятнинг ижтимоий қатламларини таҳлил қилиш, халқлар психологияси, оммавий ҳодисалар психологияси, синфлар, гуруҳлар, гуманистик психология кабиларга алоҳида урғу берилади.

Ижтимоий психологияда шахснинг ўрганишнинг ўзига хослигини тушунтириш ва кўрсатиш мақсадида бу соҳада иш олиб бораётган барча олимлар ўз қарашларини ўзига хос тарзда ифодалай олган.

Ижтимоий психология шахсга турли хил вазиятларнинг таъсирини ўрганиб, кишилар бир-бирларига қандай таъсир кўрсатишини ва улар бири-бирларини қандай идрок этишларини ўрганадиган фан сифатида қизиқарлидир. Шунингдек, унинг тадқиқот доирасига барчани бирдек қизиқтирадиган қуйидаги саволлар ҳам киради:

– Кишилар бир-бирлари ҳақида нималарни ўйлайдилар? Бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввурларимиз қанчалик тўғри? Дўстларимиз ҳақидагисичи? Нотанишлар ҳақидаги фикрларимизчи? Бизнинг фикрларимиз ва ҳаракатларимиз орасидаги алоқа қанчалик аҳамиятга эга?

– Одамлар бир-бирларига қандай ва қай даражада *таъсир ўтказадилар?* Ижтимоий муҳит таъсирига қандай қаршилик кўрсатиш мумкин?

– Нима учун одамлар баъзида бир-бирларини хафа қиладилар, баъзи пайтларда ёрдам берадилар?

Бу саволларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, ижтимоий психология ана шу саволларга жавоб топиш билан шуғулланади. Қисқасини айтганда ижтимоий психологияда шахсни ўрганишнинг ўзига хослиги шундаки, бу фан одамлар бир-бирлари ҳақида нима ўйлашидан тортиб, улар бир-бирларига қандай таъсир кўрсатишигача ўрганадиган фандир.

Шунинг учун ҳам Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил

ёндашиш борлигини эътироф этади. Г.Андреева фикрича ³ ижтимоий психология мавзу баҳси Биринчиси, социологик ёндашиш бўлиб, унинг тарафдорларининг фикрича, ижтимоий психология асосан оммавий психологик жараёнларни—халқлар психологияси, оммавий маросимлар, удумлар, расм-русмларнинг инсон онгига сингиши, ижтимоий хулқ-атворда намоён бўлишини ўрганиши керак. Иккинчи—психологик ёндашув тарафдорлари асосан психологлар бўлиб, улар асосий диққатни шахснинг ижтимоий психологик хислатларига, унинг турли гуруҳларда тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий установкалар ва ҳоказоларга қаратмоқ лозим, деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, ҳозирда ҳам социологик ҳам психологик қарашларни биргаликда мужассамлаштираётган олимлар ҳам борки, улар ҳам оммавий жараёнларни, ҳам шахснинг хулқ-атворлари мотивларини ўрганишни ёқлаб тадқиқотлар ўтказмоқдалар Америка ижтимоий психологиясида ҳам ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси борасида узоқ тортишувлар мавжуд бўлган. Чунки, шу пайтгача шахс ва жамият муаммолари соҳасида икки хил ёндашув бўлиб келган эди: психология инсон табиатини, унинг психикасини, социология эса, жамият табиати, психикасини ўрганиб келди. Социал психология пайдо бўлдики, у инсоннинг жамиятга муносабатининг психологик томонини ўрганмоқда. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш - ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Жамият - бу инсонлар мажмуидир. Унинг тараққиёти ва маънавий салоҳияти кўп жihatдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, у унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга интилади, шунинг учун у ўзига хос интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намоёиш этади. Инсонлар ўртасидага ўзаро муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи қатор ижтимоий фанлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ижтимоий психология алоҳида ўрин эгаллайди.

³ Андреева Г.М. Социальная психология. М. "Аспект Пресс, 2008. 23.

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг хосиласи эканлиги билан эътироф этилса, у - ўз услубиёти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига туртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими У. Макдугалл ўзининг "Ижтимоий психологияга кириш" китобини, америкалик социолог Э.Росс эса "Ижтимоий психология", деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан - ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предметига таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам - бири психолог, иккинчиси социолог бўлишига қарамай, бу фаннинг асосий предмети ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий

хулосага келишган. Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий

психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми - унинг ушбу фан предметига ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришга интилса, психолог - конкрет олинган шахе психологиясининг қонуниятларини умумжамят қонун-қоидаларига тадбиқ этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Г.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил ёндашиш: социологик, психологик, ҳам социологик ва психологик мавжуд эканлигини асослайди. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг

алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбалар икки фан - психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна кўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган шахснинг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув - психологик ёки социологик ёндашувнинг

устуворлиги якқол кўзга ташланди. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанларидир ва бу фанлар аслида унинг "ота-оналаридир".

1.2. Халқлар психологияси назарияси

19-асрнинг охири ва 20-аср бошларида фанда уч назария пайдо бўлдики, улар ҳақли равишда ижтимоий психологиянинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бу уч назарияни бирлаштириб турган нарса шу бўлдики, уларнинг ҳар бири мустақил тарзда шахс билан жамият муносабатини илмий асосда тушунтиришни изланишларнинг асосий мавзуси деб ҳисобладилар. Бу уч манба - халқлар психологияси, омма психологияси ва ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияларидир.

Халқлар психологияси назарияси ижтимоий психологик назария сифатида 19-асрнинг ўрталарида Германияда шаклланди. Ундаги асосий ғоя шу эдики, айрим индивидлардан юқори турадиган руҳ мавжуд бўлиб, бу руҳ ўзидан ҳам юқори турадиган илоҳий яхлитликка бўйсунди. Бу илоҳий яхлитлик эса халқ ёки миллатдир. Айрим индивидлар ана шу яхлитликнинг бўлаклари бўлиб, улар бу руҳга бўйсундилар. Яъни, шахс билан жамият ўртасидаги қарама - қаршилик муаммоси жамият фойдасига ҳал қилинади. Бу назариянинг тарихий-мафкуравий асоси бўлиб Гегель фалсафаси ва немис романтизми хизмат қилган. «Халқлар психологияси» ибораси биринчи марта файласуф М.Лацарус ҳамда тилшунос Г.Штейнталларнинг «Халқлар психологияси тўғрисида кириш сўзи» китобида ифодалаб берилган: «Тарихни юргизувчи асосий куч бу халқ ёки шу яхлитликнинг руҳи бўлиб, бу руҳ санъатда, динда, тилда, афсоналарда, анъаналарда ўз аксини топади. Индивиднинг онги шу яхлитликнинг маҳсули бўлиб, уларнинг йиғиндиси ўз навбатида халқ онгини ташкил этади. Халқлар психологиясининг вазифаси халқ руҳи моҳиятини ўрганиш, халқ руҳияти Кунунларини очиш, халқ психологиясига оид бўлган ўзига хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва йўналишини тушунтириб беришдир». Ушбу китобда муаллифлар шахс билан жамият муносабати хусусида қуйидаги мулоҳазаларини баён этадилар: «Одам ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий мавжудот бўлиб, у жамият ҳаёти билан узвий боғлиқ, чунки у ўзига ўхшашларга қараб ривожланади, бошқаларга тақлид қилиб ҳаракат қилади ва улар таъқибидан қочади...»⁴. Халқлар психологиясининг асосчилари фақат назарий мулоҳазалар юритиш

⁴ В.М.Каримова Ижтимоий психология Т. 2012й. 16б.

билан чекланадилар, чунки уларда ўз фикрларини исбот қилиш учун тадқиқот ишлари йўқ эди. "Психологиянинг отаси" ҳисобланган Вильгелм Вундт эса худи ана шу тадқиқотга асосланган маълумотлар тўплашга ўз диққатини қаратди. У ўзининг "Инсон ва ҳайвон руҳи ҳақида лекциялар"и (1863 й) ва 1900 йилда босмадан чиққан ўн томли "Халқлар психологияси" асарларида асосан ўзи тўплаган эмпирик маълумотлар асосида халқлар психологиясига бағишланган фикрлари тизимини баён этди.

Унинг фан олдидаги хизмати шундан иборат эдики, эмпирик маълумотлар тўплаш усуллари, тўпланган манбаларни шарҳлаш борасида бебаҳо билимлар тўплади. Унинг фикрича, психология фани икки қисмдан иборат: физиологик психология ва халқлар психологияси. Физиологик психология инсон руҳиятини ўрганувчи экспериментал фан бўлиб, олий психик жараёнлар -тафаккур ва нутқдан ташқари барча нарсани тажриба усулида тадқиқ этиш

мумкин. Тажриба усулида ўрганиб бўлмайдиган барча олий руҳ ҳолатларини халқлар психологияси ўрганади, чунки ундаги ўрганиш усуллари ўзига хосдир - у маданий маҳсуллар ҳисобланган тил, афсоналар, одатлар, санъат асарлари, инсон тафаккурининг мураккаб томонларини очиб беради.

Шунга қарамай В.Вундтнинг қарашлари идеалистик асосда бўлган, яъни у индивид билан жамият ўртасидаги мураккаб диалектик муносабатни идеалистик асосда туриб ҳал қилган ва жамиятнинг ролини абсолют тушуниб, шахснинг тарихини яратишдаги, ижтимоий жараёнлардаги фаол ўрнини кўра билмаган.

Унинг издошлари - Русиялик А. Потебни, немис олими Т. Гейгер ва бошқалар ҳам у йўл қўйган мафкуравий камчиликни олдини ола олмадилар, лекин улар бир фикрда яқдил эдиларки, халқлар психологияси индивидуал психологиядан фарқ қилади, шунинг учун ҳам махсус фан керакки, у ўзига хос усуллар ёрдамида шахс ва жамият муносабатлари қонунларини очиб бериши лозим. Худди анна шу хулосалар ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишига илмий асос бўлди.

1.3. Омма психологияси назарияси

Омма психологияси назарияси пайдо бўлишига тарихий асос ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва Европада ишчилар ҳаракатининг оммавий тус олиши бўлди. Яъни, XIX асрнинг иккинчи ярмида ишчилар ҳаракати шундай кенг тус олдики, тартибсиз ҳаракатлар уюшган ҳаракат даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам шу ҳаракатларнинг қонунларини билиш, уларни бошқариш усулларини ўйлаб топиш зарур эди.

Оммавий ҳодисаларни ўрганиш натижасида 1890-йилда Габриэл Тарднинг «Тақлид қилиш қонунлари» деб аталган биринчи китоби чиқди. Г.Тард Францияда рўй бераётган оммавий ҳодисаларни, шу ҳодисаларда иштирок этаётганларнинг хулқ-атворларини тақлид қилиш орқали тушунтиради. Бу ҳаракатлар иррационал (яъни ақлнинг иштирокисиз) табиатга эга бўлиб, ҳар бир индивид оммага қўшилган заҳоти унга тақлид қилишга тайёрлик инстинкти устун бўлиб қолади.

Италиялик ҳуқуқшунос С.Сигели ва француз олими Г. Лебон ҳам Г.Тард ишларини маъқуллаб, унинг назариясини фактик материаллар билан, яъни 1895-йилда босилиб чиққан С.Сигелининг «Омманинг жиноятлари» ва Г.Лебоннинг «Омма психологияси» китоблари орқали бойитдилар. Бу муаллифларнинг асарларидаги асосий ғоя шундан иборат эдики, оммавий ҳаракатларда шахснинг ўз хулқ- атворларини онгли ва ақл билан бошқариш қобилияти йўқолади.

Бундай ҳолатларда ҳиссиётлар устун келади, айниқса, аффект ҳолатлар, шунинг учун ҳам аффект ҳолатида рўй берган жиноятга айбни юмшатувчи ҳолат сабаб бўлган, деб қараш адолатли бўлади. Бу қарашлари туфайли С.Сигели Италиянинг қонунига махсус мода киритишга ҳам эришди. Социолог Г.Лебон эса асосан диққатини оммани элитага - жамиятдан юқори турувчи танланган гуруҳларга қарши қўйишга қаратди. У омманинг айрим ҳолларида, айниқса бирор ҳодиса рўй берганда «қизиққонлик» хусусияти устун туриши ҳақида ёзади.

Унинг фикрича, бир қанча одамларнинг бир ерда тўпланиши оммани ҳосил қилади ва бу, одамлар ким бўлишидан қатъи назар - олимми ёки оддий инсонми, шу заҳотиёқ кузатувчанлик ва зийракликни йўқотади. Чунки бу ҳолатда улар ҳолатини инстинктлар ва ҳиссиётлар бошқаради. Г.Лебон шахснинг омма ҳолатидаги белгиларига тўхталиб қуйидагиларни ажратади:

1. Шахсий сифатларнинг йўқолиши. Бошқа одамлар таъсирида индивид ўзига хос сифатларни йўқотиши, бунинг ўрнига импульсив инстинктив ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги.

2. Ҳиссиётларга ўта берилувчанлик. Оммада ақл, тафаккур, ҳиссиёт, инстинктларга ўз ўрнини бўшатади. Шунинг учун ҳам омманинг таъсирчанлиги ўта ошиб кетади.

3. Ақлий сифатларнинг йўқолиши. Омманинг «ақли» уни ташкил этувчилар ақлидан анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам омманинг тазъйиқига учрамаслик учун ҳар бир киши ақлан мулоҳаза юритишдан бош тортиши, мунозарадан қочиши лозим.

4. Шахсий масъулиятнинг йўқолиши. Оммага қўшилиб қолган шахс шунчалик ҳиссиётларга берилиб кетиши мумкинки, у ўз ҳаракатларини

назорат қилиш, ўз ишига масъулиятни эсидан чиқаради. Якка ҳолда содир қила олмайдиган ишини, у оммага қўшилиб қилиб қўйиши мумкин.

Бундай ҳолатнинг, яъни шахснинг омма орасидаги психологияси тўғрисидаги фикрларни айти шундай тарзда Ортеги Гассет ва Эрнесто Грассилар ҳам кўрсатиб бергандирлар.

Шундай қилиб, омма тартибсиз, у мустақил равишда тартиб ўрнатиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам унга доимо “дохий” керак, дохийлар — элита ташқаридан келиб омма ўртасида тартиб ўрнатиши мумкин. Бу фикрларнинг мафкуравий маъноси тушунарли, чунки омма деганда, улар ишчилар синфини, дохийлар деганда эса, буржуазияни назарда тутишган.

Г.Лебон фикрича, омма ҳолатидаги шахс белгилари Демак, шахс ва жамият зиддиятлари масаласи омма психологияси тарафдорлари назариясида айрим шахслар -дохийлар фойдасига ҳал қилинди. Лекин бу назария, нима учун оммавий ҳодисаларда омманинг ўзидан чиқиб қоладиган лидерлар, омманинг баъзан ташқаридан ҳеч кимни тан олмай қолиши масалаларига умуман жавоб топа олмади, чунки уларнинг ҳам фикрларида кўпроқ идеализмга мойиллик сезилиб турарди.

1.4. Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси

Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси XX асрнинг бошида Англияда шаклланди. Унинг асосчиси инглиз психологи Уильям Макдугалл бўлиб, у ўзининг 1908 йилда ёзган "Ижтимоий психологияга кириш" китобидаги инсон хулқ-атворларининг мотиви ёки уни ҳаракатга келтирувчи куч инстинктлардир,⁵ - деб ёзган. Кейинчалик у инстинкт тушунчаси билан бирга лаёқат, интилиш ибораларини ҳам ишлата бошлади. Унинг фикрича, хулқ-атворни таъминловчи нарса туғма, психофизиологик тайёрлик ҳолати бўлиб, у наслдан-наслга узатилади. Макдугалл барча ҳаракатларни рефлексив ҳолда тушунтиришга интилиб, рефлексив ёйга хос бўлган барча

қисмлар - яъни эфферент қабул қилувчи, рецептив бўлим, эфферент (ҳаракат) ва марказий бўлимдан иборат тизим сифатида тасаввур қилади. Барча ижтимоий ҳаракатлар ҳам ана шундай рефлексив табиатга эгадир, деб уқтиради у.

Шунга ўхшаш фикрлар Э.Росс ("Ижтимоий психология") ва Дж.Болдуин ("Ижтимоий психология бўйича тадқиқотлар") қарашларида ҳам ривожлантирилган. Масалан, Болдуин икки турли ирсият ҳақида - табиий ва ижтимоий ирсият ҳақида ёзиб, ижтимоий одамлардаги тақлид қилиш қобилияти билан боғлиқ, деб ёзади.

⁵ В.М.Каримова Ижтимоий психология Т. 2012й. 186.

Жамиятда яшаётган одамлар бир-бирларига таъсирларини ўтказишга мойилдирларки, бу нарса улар ўртасидаги муносабатларни бошқариб туради.

Шундай қилиб, бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, барча онгли ҳаракатларнинг боши - онгсизликдир, яъни инстинктлар бўлиб, улар асосан ҳиссиётларда намоён бўлади. Ҳиссиёт билан инстинктлар боғлиқлигини Макдугалл жуфтликларда кўрсатишга ҳаракат қилган: масалан, кураш инстинкти - кўрқув, ғазаб ҳисси; насл қолдириш инстинкти - рашк аёллардаги тобелик ҳисси; ўзлаштириш инстинкти - хусусийликка интилиш ҳисси ва ҳоказо.

Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда туғма инстинктлар ролининг юқори қўйганлиги учун бу назария илмий тараққиёт босқичида салбий ўрин тутди, деб айтишимиз мумкин. Лекин унинг айрим ҳодисалар сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиши фан олдига улкан вазифаларни қўйди. Ижтимоий психология фан сифатида анна шу муаммоларни тадқиқ қилиши лозим эди.

Демак, юқорида тўхтаб ўтилган учала назариянинг аҳамияти шундан иборат эдики, улар янги туғилиши лозим бўлган фан - ижтимоий психологиянинг тадқиқот мавзуини очиб берди. Қолаверса, бу уччала йўналиш ҳам назарий қарашларни исбот қилишда объектив текширув усули ҳисобланган экспериментдан фойдаланиш заруриятини кўрсатди. Бу нарса яна бир бор махсус фаннинг келажак режаларини аниқлашга ёрдам берди.

Назорат саволлари

1. Халқлар психологияси назариясининг асоси нимадан иборат?
2. Омма психологияси назариясининг асосчиси ким?
3. Ижтимоий ҳулқ-атвор инстинктлари назарияси қачон шаклланган?
4. Г.Лебон шахснинг омма ҳолатидаги белгиларига нималарни ажратади?

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузьмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

2-МАВЗУ. Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари, дарс типлари

РЕЖА:

- 2.1. *Методология тушунчаси.*
- 2.2. *Ижтимоий психологиянинг методлари.*
- 2.3. *Анкета методи*

Таянч сўз ва иборалар: методология, метод, контент-анализ, кузатиш, проектив, суҳбат

2.1.Методология тушунчаси.

Ижтимоий психология бошқа фанлардан мавзу баҳси билангина эмас, балки, балки у ёки бу ғояни исботлаш учун ишлатиладиган услублари, фактик маълумотлар тўплаш билан ажиралиб туради. Ҳозирги замон фанларининг тараққиёти шу билан ўзига хоски, уларда методологик муоммоларга қизиқиш анча юқоридир. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, улар аввало жамиятда рўй бераётган кескин ўзгаришларнинг сабабларидан бири ҳисобланган фан – техника тараққити мақсадлари билан фан мақсадларининг уйғунлашуви, амалиётнинг фан олдида кўяётган талаблари даражасининг тобора ортиб бораётганлиги, тадқиқот қилиш воситаларининг мураккаблашиб бораётганлиги ва ниҳоят ҳар бир фанда рўй бераётган ўз тадқиқот принциплари ва текшириш усулларининг қайта кўриб чиқишга интилишнинг яққол намоён бўлаётганлигидир.

Методология – бу фанлар учун йўналиш берадиган илмий билиш ҳисобланиб, у фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи ҳисобланади. Г.М.Андреева ижтимоий психологиянининг методологик муоммоларига тўхталар экан унинг бу борадаги вазифалари кўплигини таъкидлайди. Методологик муоммоларга қизиқиш – деб таъкидлайди у - ижтимоий психологиянинг кучсизлиги эмас, балки унинг етилиш даврига кирганлигининг белгисидир”⁶. Методология деганда рус олимлари ушбу фаннинг фалсафий асослари ва назарий қонуниятларидан келиб чиқадиган билимлар билан текширишнинг конкрет усуллари мажмуасини тушунадилар. Яъни, “Методология” тушунчаси конкрет методлар ёки техник усуллар тушунчаларидан кенгрокдир.

Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муоммоларига қуйидагилар киради.

⁶ Андреева Г.М.Социальная психология. М.”Аспект Пресс, 2008. 20.

1.Эмпирик маълумотлар муоммоси. Ҳар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб, аввало нимани эмпирик бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиши ва унинг назарий жихатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. Масалан, итимоий психология бўйича соф экспериментал иш қилинганида илгари синалган усул .рдамида чекланган миқдордаги кишилар .ки гурҳда тадқиқот ўтказиш мумкин-бу экспериментал маълумотлар дейилади. Баъзи тадқиқотчилар кўп сонли текширилувчилар билан иш олиб борадилар,бунда турли гуруҳларни ўзаро таққослаш билан маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқланади. Бундай тадқиқотлар корреляцион тадқиқолар деб аталади.

2.Ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муоммоси. Тадқиқотчи илмий тадқиқотини бошлашидан олдин аниқ тахминлар юритади. Тахминларнинг аниқ чиқиши ўша муоммо бўйича пишиқ пухта назариянинг бор – йўқлигига бевосита боғлиқ.

3.Ижтимоий психологик маълумотларнинг сифати масаласи,яъни маълумотни сифатли , ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир.Ижтимоий психологик маълумотларнинг сифати унинг ишончилиги бу аввало тадқиқотчининг тадқиқот объектини қанчалик тўғри танлагани ҳамда тўплаган маълумотларнинг ишончилигини қандай усуллар билан текширганлиги назарда тутилади.

Маълумотларнинг сифати тадқиқотчининг ўз ишлари бўйича тузган ҳисоботига ҳам боғлиқ. Ижтимоий психологик тадқиқот тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

- 1.Кириш қисм.
- 2.Дастур қисм.
- 3.Тадқиқот объекти ва услублар.
- 4.Натижалар.
- 5.Хулоса ва тавсиялар.
- 6.Яқун.
- 7.Илова.

Ҳар бир фаннинг алоҳида ўрганиш методлари бўлганидег ижтимоий психологиянинг ҳам ўзметодлари ва уларни қўллаш воситалари мавжуд. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган методлар психология ва социология фанларида қўлланиладиган методларга яқин, лекин фаннинг предметидаги ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда уларни ишлатиш йўллари ва маълумотлари илмий жихатдан таҳлил қилишда қилади.

2.2. Ижтимоий психологиянинг методлари.

Ижтимоий психологиянинг методлари қуйидагилардан иборат.

- 1.Кузатиш методи.
- 2.Ижтимоий психологик эксперимент.
- 3.Сўров методи.
- 4 Контент – анализ.
- 5 .Ижтимоий психологик тестлар.
- 6.Проектив методлар.

Кузатиш методи ёрдамида аниқ ишлаб чиқилган режа асосида кузатувчини қизиқтирган у ёки бу ижтимоий ҳуққ- атвор шакллари қайд этилади. Кузатиш методи қўлланилганда тадқиқотчи бир қанча қоидаларга риоя қилиши керак.

1.Кузатиш мақсади аниқ бўлиши ва илмий мақсадларга мос келиши лозим.

2.Кузатиш шаклини танлаш ва кузатиш натижаларини қайд этиш усулларини ишлаб чиқиш.

3.Маълум режа ва схема асосида муттасил кузатув олиб бориш.

4.Олинган натижаларнинг асослиги ва ишончлилигини бошқа услублар ёрдамида текшириб кўриш.

Ижтимоий психологияда қўлланиладиган кузатиш методининг 3 шакли мавжуд.

А.Ташқи кузатиш – кузатилувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда уларнинг ҳуққ – атворини қайд қилиш натижасида маълумот тўплашга асосланади. Бундай йўл билан илмий фактларни исбот қилиш қийин,шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга кўшимча восита сифатида ишлатилади.

Б.Кўшилиб кузатиш – бунда тадқиқотчи кузатувчилар фаолитига бевосита аралашиб, керак бўлса улар билан бирга яшайди, бирга ишлайди Бу усулнинг қулайлиги шундаки, кузатилаётганлар ўзларининг кузатилаётганликларини сезмайдилар,кузатувчини гуруҳ аъзоси сифатида қабул қиладилар.

В.Мухим вазиятларни қайд этиш – бунда алоҳида шахс ёки гуруҳ кутилмаган тасодифий вазиятга солинади ва уларнинг вазиятга бўлган муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қийин ҳолатлардан чиқиш йўллари кузатилади.

Сўров методи. Бу метод орқали муайян бир вазият ёки муоммони ҳал қилиш жараёнида инсон психологиясидаги ўзгаришлар, одамларнинг ақл – заковати, ҳуққ – атвори, эътиқоди, дунёқарши тўғрисида маълумотлар олинади. Сўров методи ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади,айниқса, анкета сўрови, интервью шулар жумласига киради.Ушбу сўров методлари тадқиқотчи билан текширилувчининг бевосита ёки билвосита мулоқати туфайли бирламчи маълумотлар тўплаш усулидир. Сўровни ўтказадиган одамдан талаб қилинадиган нарса бу мулоқат маданиятидир. Энг яхши суҳбат ёки интервью бевосита эркин фикр алмашинуви шароитида ўзаро фикр алмашинувига қаратилган мулоқатдир.Интервью ўтказиш учун одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим сифатларнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда ролли ўйинлар методи ёрдамида психолог ёки социологлар махсус тайёргарлик курсидан ўтадилар.

2.3. Анкета методи.

Бу метод ёрдамида турли ёшдаги ва турли касбдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ходисаларга бўлган муносабатлари

ўрганилади. Анкетага киритилган саволлар маълумотиغا кўра анкета очик ва ёпиқ турларга бўлинади. Очик анкета текширилувчидан ўз фикрини эркин баён этишни талаб қилади. Ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб текширилувчи ўзига маъқул бўлган , ўзининг қарашлари фикрлари билан мос келган жавобни белгилаб боради.

Анкета тузилиши жихатдан уч қисмга бўлинади.

1. Кириш қисм. Бу қисм респондентга мурожаат деб номланиб, одатда тадқиқот ўтказилаётган ташкилот номи, тадқиқот мақсадлари ва уларнинг фойдаси, текширилувчининг шахсий иштироки нима бериши, олинган маълумотларнинг умумлаштирилган ҳолда ишлатилиши, анкетани тўлдириш йўллари ва бошқалар ёзилади.

2. Асосий қисм. Бунга берилаётган саволлар тартибига эътибор берган ҳолда саволлар киритилади. Чунки бошидан бошлаб қийин саволлар берилса , бу нарса респондентни чўчитиб қўйиши, хаттоки, анкетани тўлдирмасдан қайтариб беришга мажбур қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бошида энгил саволлар берилиб, текширилувчиларни қизиқтириб кейин психологик саволларга ўтиш лозим.

3. Яқуний қисм. Бунда текширилувчи шахснинг жинси, ёши, оилавий аҳволи, касби ва бошқалар сўралади.

Тўпланган маълумотларга статистик қайта ишлов берилади .ки улар компьютерлар ёрдамида анализ қилинади.

Ижтимоий психологик эксперимент. Ижтимоий психологик эксперимент – бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга қаратилган мулоқатдир. Ижтимоий психологияда ҳам умумий психологияда бўлгани каби табиий ва лаборатория эксперименти турлари фарқланади.

Проектив методлар. Бу тест усулларининг бир кўриниши бўлиб, унда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Яъни, текширилувчига турли хил расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирон аниқ кўринишга эга бўлмаган буюмлар берилиши мумкин ва текширилувчиларнинг берган турлича талқинига кўра уларнинг қизиқишлари, ҳиссий олами, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳо бериш мумкин.

Проектив усулларга машҳур Роршахнинг сиёҳ доғлари тестини, С.Розенцвейгнинг расмли ассоциациялар усулини киритиш мумкин.

Контент – анализ методи . Бу методнинг илмий моҳияти шуки, у фаолиятнинг маҳсулини текширишга имкон беради ҳамда тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математик қайта ишлаш имкониятининг борлиги билан ажиралиб туради. Унинг ёрдамида бирор матнда маълум фикр, ғоя ёки тушунчаларнинг неча марта қайтарилиши қайд этилади, яъни, маълум мазмун миқдор кўринишига келтирилади. Контент – анализ тадқиқотчидан каттагина укувни талаб қилади, чунки бир томондан у ёки бу матнни тушуниш маҳорати бўлиши керак, иккинчи томондан эса тадқиқот

сўнгида кўлга киритилган миқдорий бирликларни яна қайта сифат формасига келтириш лозим, яъни тушунтириб бериш керак.

Назорат саволлари

1.Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муоммоларига нималар киради?

2.Методология деганда нимани тушунаси?

3.Ижтимоий психологияда контент – анализ методи қандай қўлланилади?

4.Анкета тузилиши жихатдан нечта қисмга бўлинади?

Адабиётлар рўйхати

1.Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

2.Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.

3.Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. Тошкент, 2013.

4.Кузмин Е.С. Основы социальной психологияЛГУ 2001

5.Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

3 – МАВЗУ. Тадбиқий ижтимоий психология ва сиёсат

РЕЖА:

- 3.1. Муомала ҳақида тушунча.
- 3.2. Муомала функциялари
- 3.3. Ижтимоий перцепция

Таянч иборалар: муомала, коммуникатив, интерактив, перцептив, невербал, рефлексия, стереотипизация

3.1. Муомала ҳақида тушунча.

Муомала - одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда адо этадиган ишлари (меҳнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шаклларини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни, бир-бирларига турли хил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, обрўси унинг мулоқатга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир.

Бир қарашда осонга ўхшаган шахслараро мулоқот жараёни аслида жуда мураккаб жараён бўлиб, унга одам ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқатнинг психологик жихатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Паригин шундай ёзади: “Мулоқат шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Мулоқотнинг турли шакллари ёки босқичлари мавжуд бўлиб, дастлабки босқич-одамнинг ўз-ўзи билан мулоқатидир. Т.Шибутани “Ижтимоий психология” дарслигида: “Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади” – деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқати аслида унинг бошқалар билан мулоқатининг характерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқат қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак, у

бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак, бошқалар билан мулоқат-мулоқатнинг иккинчи босқичидир.

А.Н.Леонтьев ўзининг “Психика тараққиётидан очерклар” китобида мулоқатнинг учинчи шакли-авлодлар ўртасидаги мулоқатнинг аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзади: “Агар барча катта авлод ўлиб кетганда, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараққиёти анча орқага сурилибгина эмас, балки йўқолиб ҳам кетиши мумкин эди”. Ҳақиқатдан ҳам, авлодлараро мулоқатнинг борлиги туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, қадриятлари мавжуд бўладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келдилар ҳамда таълим, тарбия ва кундалик мулоқат жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

Муомала мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқат шаклини анализ қилганимизда, унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин.

3.2. Муомала функциялари

Г.М.Андреева мулоқатнинг кўйидаги тузилишини таклиф этади:

1. Мулоқатнинг коммуникатив томони (яъни мулоқатга киришувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни).

2. Муомаланинг интерактив томони (яъни мулоқатга киришувчи томонларнинг ҳулқ-атворларига таъсир жараёни).

3. Муомаланинг перцептив томони (яъни мулоқатга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён).

Кўпгина олимлар мулоқатнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига тўхталиб ўтар эканлар, унинг қатор вазифалари, функцияларини ажратадилар. Масалан, таниқли рус олими Б.Ф.Ломов унинг функцияларига кўйидагиларни киритади: а) маълумотлар алмашинуви функцияси; б) ҳулқ-атворни бошқарув; в) ҳиссиётлар алмашинуви.

Муомала мавзуи ва йўналишига кўра, унинг а) ижтимоий йўналтирилган (кенг жамоатчиликка қаратилган ва жамият манфаатларидан келиб чиқадиган мулоқат); гуруҳдаги предметга йўналтирилган (ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини амалга ошириш мобайнидаги мулоқат-меҳнат, таълим жараёнидаги ёки конкрет топширикни бажариш жараёнида гуруҳ аъзоларининг мулоқати); шахсий мулоқат (бир шахс билан ўз муаммоларини очиш мақсадида ўрнатган муносабатлари); педагогик мулоқати (педагогик жараёнда иштирок этувчилар ўртасида амалга ошириладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёни) турлари фарқланади.

Новербал мулоқатда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, аёллар кўпроқ ҳиссиётларга бой бўлганликлари сабабли, суҳбатлашаётганларида бир-бирларига яқин туриб гаплашадилар, эркаклар ўртасида эса доимо фазовий масофа бўлади. Олимларнинг аниқлашича, болаларни одатдагидай орқама-кетин ўтказиб

ўқитгандан кўра, уларни юзма-юз ўтказиб давра қилиб ўқитган маъқул эмиш, чунки бундай шароитда ўқувчиларда ҳам жавобгарлик ҳисси юқорироқ бўлар экан ҳамда эмоциялар алмашилиши учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир-бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан.

Муомалада бу хусусиятли кишиларнинг мулоқат жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу тўғрисида одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён этишлари мумкин. Шахслараро муносабатларда мулоқат мулоқатга киришувчиларнинг ҳулқ-атвор мотивлари ва установакаларини ўзгартириш имкониятига эга.

Муомала жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълумотлар алмашиб, ўзаро таъсир этибгина қолмай, балки бир-бирларини тўғрироқ ва аниқроқ англашга, тушунишга ва идрок этишга ҳаракат қиладилар.

3.3. Ижтимоий перцепция

Муомаланинг бу перцептив томони шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тушунишлари ва аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг масалан, самарали бўлишини таъминлайди. Бунда ушбу психологик қонуниятлар яққол намоён бўлади: рефлексия, идентификация, стереотипизация. Индентификация шундай психологик ходисаки, бунда суҳбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қиладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, хислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ва онгсиз) идентификациядир. Масалан, биринчи марта учрашувга кетаётган йигитнинг ички ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия муомала жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига тааллуқли бўлиб, ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир, чунки бусиз одам мулоқат жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқат формаларини танлаши мумкин.

Стереотипизация одамлар онгида мулоқатлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳолларидир. Нотаниш одам билан мулоқатга киришишда у ҳақда берилган бирламчи маълумот катта роль ўйнайди. Масалан, талабаларнинг икки гуруҳига бир хил портрет кўрсатилиб, биринчи гуруҳда бу одам йирик олим, иккинчисидан эса, бу-давлат жиноятчиси деб, унга иккала гуруҳ томонидан ҳам ижтимоий-психологик характеристика берилиши сўралади. Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таъсир остида олинган таърифлар ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнатқаш, меҳрибон, шафқатли, ғамхўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни маккор, бешафқат,

катъиятли деб таърифлашган. Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқа гуруҳдагилар уларни ёвуз, бешафқат деб айтишган.

Демак, ижтимоий перцепция жараёни психологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқатга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб, фаолият кўрсатадилар.

Назорат саволлари

1. Муомала деб нимага айтилади?
2. Г.М. Андреева мулоқатнинг қандай тузилишини таклиф этади?
3. Б.Ф. Ломов унинг функцияларига нималарни киритади?
4. Стереотипизациянинг маъноси нимани англатади?

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

4-МАВЗУ: Сиёсий онг ва тафаккурнинг генезиси ва ўзига хос жиҳатлари

РЕЖА:

- 4.1. Гуруҳ тушунчаси
- 4.2. Катта ижтимоий гуруҳлар
- 4.3. Кичик гуруҳлар тушунчаси

Таянч иборалар: *гуруҳ, катта гуруҳлар, гуруҳнинг динамик жараёнлари, лидерлик, қарор қабул қилиши, гуруҳнинг шаклланиши*

4.1. Гуруҳ тушунчаси.

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ, киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Гуруҳ – бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. Демак, одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин ёшлар), маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо). Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор-бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодикаса гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ қилиш принциплари. Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони аввало кўпчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар ҳулқ-атворини белгиловчи механизмларнинг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мавқуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек, кўпчиликни қамраб олишда қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гуруҳлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар захирасининг камлигидир. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак, дейлик. Аввало ўша ишчиларнинг сони

кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлар чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини қамраб оладиган ягона ишончли методикани топиш масаласи тадқиқотчи олдига жуда жиддий муаммоларни кўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга таалукли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий-психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда.

4.2. Катта ижтимоий гуруҳлар

Ижтимоий психологияда катта гуруҳлар ичида этник гуруҳлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказилди. Айниқса, ҳозирги даврда ҳар бир жумҳуриятлар алоҳида, мустақил давлат мақеини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи шароитида миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам муҳим масала сифатида қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам катта гуруҳлар ичида миллий гуруҳларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдик, бундай эътиборнинг яна бир боиси- Ўзбекистонда бу соҳада айрим тадқиқотларнинг ўтказилганлиги, лекин улар кўп ҳолларда миллий психология даражасига олиб чиқилганлигидир.

Этнопсихология- бу психологиянинг шундай тармоғики, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам ўрганади. Маълумки, бу борадаги биринчи илмий тадқиқотларни В.Вундт бошлаб берган эди. Унинг тадқиқотларидаги “халқ” тушунчаси аслида этник уюшма маъносида тушунтирилган эди. Унинг фикрича, этник гуруҳлар психологиясини ўрганиш учун уларнинг тилини, одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналар ва бошқа онг тизимларини ўрганиш керак. Шуниси диққатга сазоворки, Вундтдан кейинги даврда ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири бизнинг ўлкамизда ўтказилган бўлиб, уни психолог А.Р.Лурия амалга оширган эди. Бу экспериментал тадқиқот бўлиб, уни ўтказишдан асосий мақсад Л.С.Выготскийнинг маданий-тарихий ёндошув ғоясини текшириш эди. Лурия бошчилигидаги олимлар гуруҳи революция ғалаба қозонган Ўзбекистон шароитида турмуш тарзининг ўзгариши билан ўзбек халқи психологиясининг ҳам ўзгарганлигини исбот қилдилар. Асосий мақсад билиш жараёнларининг ўзгарганлигини исбот қилиш бўлса ҳам тадқиқотчилар ўз-ўзини англаш ва ўз хулқ-атворини анализ қилиш борасида ҳам уйда ўтирадиган аёллар, эндигина савод олиш мақсадида саводхонлик курсларида ўқиётган аёллар ҳамда педагогика билим юртларида таълим олаётган қизлар ўртасида фарқ бор-йўқлигини текширишди. Тадқиқот асосан ўз-ўзини анализ қилиш методи ёрдамида ўтказилган бўлиб, аёлларга турли саволлар орқали ўз шахсига хос хусусиятлар, ўзидаги етакчи сифатларни аниқлаш ва баъзи психологик ҳолатларга баҳо бериш топшириғи берилди. Лекин жавобларнинг сифати, тўлиқлиги аёлларнинг билим савиясига ва ижтимоий алоқалар тизимида тутган ўрнига боғлиқ бўлиб чиқди. Уйда ўтирган аёллар кўп ҳолларда қўйилган саволни ҳам англамасликлари маълум

бўлди. Лурия шу нарсага иқдор бўлдики, ўзбеклардаги онг асосан бошқа одамлар фикрига боғлиқ эканлиги, тобелик психологияси кучлилигини аниқлади. Масалан, аёлларга ўзидаги ёмон сифатларни айтиш топшириғи берилганда, улар ёмон кўшниларни кўрсатишар ва умуман ўз-ўзини баҳолашдан кўра бошқаларни баҳолаш, уларга сифат характеристикалари бериш анча энгил туюларди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, А.Р.Луриянинг асосий мақсади миллий психологик хусусиятларни ўрганишда тарихий принципга таяниш лозимлигини исботлаш ҳамда миллий психологиянинг ҳаёт тарзига, шахснинг жамиятда кишилар муносабатлари тизимида тутган ўрнига бевосита боғлиқлигини исбот қилиш эди.

Охириги йилларда чет эл ва собиқ Иттифоқ олимларининг тадқиқотларини умумлаштириб, этнопсихологик ишларга ягона илмий ёндашувни топиш ҳаракатлари сезилмоқда. Бу соҳада машҳур рус этнографи ва психологи Ю.Бромлей олиб борган ишлар, унинг лабораториясида тўпланган маълумотлар мисол бўлиши мумкин. Ю.В.Бромлей этник гуруҳлар психологиясида икки томонни фарқ қилади: 1) психик асос-этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм; 2) ҳиссиёт соҳаси этник ёки миллий ҳис-кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм. Лекин тадқиқотчилар нима учундир, миллий психология масалалари билан шуғулланишганида, миллий қирралар ёки сифатларни аниқлаш билан шуғулланадилар-да, у ёки бу миллатларгагина хос бўлган қирраларни топишга уринадилар, лекин фан-техника ривожланган, миллатлар уйғунлиги, миллатларнинг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқоти шароитида, аралаш никоҳлар кенг тарқалган шароитда фақат у ёки бу миллатга хос бўлган қирралар ҳақида гапириш жуда қийин. Масалан, ўзбеклар ўртасида ўтказилган кичик тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, гўёки меҳмондўстлик, камтарлик, самимийлик каби ижобий сифатлар ўзбек халқигагина хос эмиш. Тўғри, бу сифатлар албатта ўзбекларда бор. Лекин, айнан шу сифатлар бошқа миллатлар вакилларида йўқ дейишга ҳаққимиз йўқ. Худди ҳар бир шахс онгида турлича стереотиплар-яъни ўрнашиб қолган образлар бўлганидек, ҳар бир оила, яқин ошна-оғайнилар ва ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқот жараёнида у ёки бу миллат вакилида ҳам ўз миллатига хос бўлган сифатлар ҳақида стереотиплар пайдо бўлиб, улар онгида ўрнаши боради. Бундай стереотиплар ўз миллатига ва бошқа халқларга нисбатан бўлиб, бошқалар ҳақидаги тасаввурлар анча содда, юзаки, мазмунан тор бўлади. Шундай тасаввурлар асосида бошқа миллатларга нисбатан ёқтириш (симпатия) ёки ёқтирмаслик (антипатия) ва бефарқлик муносабатлари шаклланади. Ўз миллати ҳақидаги тасаввур ва стереотиплар эса миллий “этноцентризм” ҳиссини шакллантиради, шу ҳис туфайли шу миллий гуруҳ вакилларида бошқа миллатларга нисбатан иррационал муносабатлар пайдо бўлиши, бу эса миллий антогонизм ва миллий адоватларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада, ижтимоий психологлар ва мафкурачилар олдида турган муаммолардан бири миллат вакилларида миллий ғурурнинг қай даражада бўлишини аниқлаш муаммоси

туради. Миллий психология бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларнинг мақсадларидан бири ҳам бошқа миллатлар психологиясини билиб, уни бошқа миллатларга етказиш туфайли, ҳар бир миллат вакилига ҳурмат-иззат ҳиссини кучайтиришдир.

Чет элларда ва мамлакатимизда қилинган илмий ишларни анализ қилар эканмиз, этнопсихологик тадқиқотларда хилма-хил услуб ва методлар қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Чунки бундай тадқиқотларда шахс хусусиятларини ўрганувчи турлича тестлардан тортиб, проектив методлар, эксперименталларнинг турлича кўринишлари, сўроқ методлари-анкета, интервью, социометрия, шакл методлари ва бошқалар ишлатилади. Бу методлар ҳозирги кунларда ҳам “маданий муҳит ва шахс”, гуруҳлараро муносабатлар ҳамда қиёсий тадқиқотларда қўлланилмоқда. Бундай ишларни фақатгина ижтимоий психологлар эмас, балки умумий психология билан шуғулланувчи олимлар ҳам ўтказмоқдалар. Лекин шундай бўлишига қарамай, этнопсихологик методларнинг тансиқлиги кун сайин сезилмоқда. Чунки этнопсихология муаммоси билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир тадқиқотчи ё мавжуд методикалардан бирини қайта ўзгартиришга ёки бўлмаса, ўзича янги методни кашф қилишга мажбур бўлмоқда. Ниҳоят, этнопсихологик методларни қўллашнинг ноқулайлиги шундаки, масалан, Америкада жуда яхши натижа бериб, ишончли маълумотлар тўпланган методика Осие мамлакатлари ёки бизнинг жумҳуриятимиз шароитида умуман ҳеч нарсани ўлчамаслиги мумкин. Масалан, Равеннинг матрикс тести ва муҳит таъсирлари даҳлсиз деб ҳисобланган Кэттелнинг интелект тести ҳам барибир, қисман бўлсада, муҳит шароитларини ҳисобга олишни талаб қилади, қолаверса уларни шарҳлаш масаласида алоҳида эҳтиёткорлик зарур. Шунинг учун ҳам ҳозирги бутун жаҳон олимлари ҳар қандай маданий муҳитдан ҳам юқори турадиган, универсал тест ёки методика яратиш фикрининг асосизлиги ҳақида умумий фикр билдирмоқдалар.

Конкрет этнопсихологик тадқиқотларга қўйиладиган яна бир талаб-тадқиқотни табиий шароитларда, текширилувчилар учун таниш бўлган жойларда қисқа кўрсатмалар бериш йўли билан ўтказишдир. Чунки этнопсихологик тадқиқотларда кўпинча турли ёш, касб ва маълумотга эга бўлган шахслар иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси учун тушунарли, аниқ топшириқлар тизимини туза олиш ҳам психологиядан қатор профессионал малакаларни талаб қилади.

4.3. Кичик гуруҳлар тушунчаси

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу анъана Америкада асримиз бошида ўтказилган кўплаб экспериментал тадқиқотлардан бошланган бўлиб, уларда олимлар олдида қўйилган асосий муаммо шу эдики, индивид якка ҳолда ихши ишлайдими ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги (интеракция) эмас, балки

уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг (коакция) таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади, лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди.

Гуруҳнинг динамик жараёнлари деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гуруҳнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг туғилиши, ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади.

Ижтимоий психологияда ана шу масала кичик гуруҳлар доирасида қисман ҳал қилинган ҳолос. Масалан, А.В.Петровский ва В.А.Петровскийлар шахснинг гуруҳга “киришиб” кетиши омилини ўрганишган, Я.Л.Коломинский эса ҳар бир гуруҳнинг “ўз қиёфаси” бўлиб, у шахс таракқиётига таъсир кўрсатади, деган ғояни ҳимоя қилади. В.С.Мерлин ҳам бир жамоадаги шахслараро муносабатлар шу гуруҳ аъзоларида айрим, шу гуруҳгагина хос бўлган фазилатларни тарбиялайди, деб ёзган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ҳам шахсни тушуниш учун унинг реал гуруҳларини ўрганиш, у ердаги устун мулоқот типларини аниқлаш ва анализ қилиш, гуруҳ аъзолари учун кимлар ҳақиқий обрўга эга эканлигини билиш муҳимдир, деган нуқтаи назар асосида қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Гуруҳдаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада “лидер” ва “бошлиқ” тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д.Паригин бу икки тушунчани фарқлаб шундай ёзади:

1.лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар-шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2.лидерлик кичик гуруҳларгагина хос бўлган ҳодиса бўлса, раҳбарликнинг ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3.агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ҳодисадир;

4.лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ҳодиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5.раҳбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб, шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6.лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиши қийин;

7.лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги, кенгроқ ижтимоий доирадаги, жамиятдаги вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари гуруҳида қаралади, у шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга қорлайди. Чунки лидер гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳоказоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Агар синф доирасида олиб қараладиган бўлса, турли хил лидер борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, гуруҳ аъзолари ичида энг билағони ақл ўргатувчи, топқир интеллектуал лидер, болалар ичида энг ҳазилкаш, дилгир, хушчақчақ, кўнгил сўровчи, ўзгаларни тушуна оладиган-эмоционал лидер, гуруҳни иш фаолиятига қорлай оладиган дадил, қатъиятли, иродали-иродавий лидерлар бўлиши мумкин. Улар айна вазиятларда вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда болалар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари ичида яхши ва ёмонлари ҳам бўлиши мумкин, лекин гуруҳ лидерга эргашганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва шунинг учун ҳам барча ишларига эргшиб, кўрсатмаларига амал қилади. Мактабда болалар ичида ҳулқи мактаб нормаларига тўғри келмайдиган лидерларнинг борлиги, улар маълум гуруҳ ичида сўзсиз обрўга эга эканлиги ҳам шу билан тушунтирилади. Масалан, лидер “кетдик” деб кўрсатма берса, унга эргашганларнинг дарсни ҳам ташлаб кета олиши шу билан тушунтирилади.

Шунинг учун ҳам синф раҳбари ўз синфидаги расмий лидерлар билан ишлаш билан чекланмайди, балки норасмий лидерларни ҳам аниқлай билиши, улар билан ҳамкорликда ишлаши зарур. Тўғри, баъзи ҳолларда расмий ва норасмий лидер бир шахс бўлиши ҳам мумкин. Бу жуда қулай, лекин лидерлик вазиятга боғлиқ бўлгани учун ҳам уларнинг ўзгариб туришини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқитувчининг бошқариш маҳоратини ёки санъати унинг норасмий лидерлар билан самарали ишлаш усулидир.

Шундай қили, ҳар қандай лидер обрўга эга. Обрўлилик шахснинг шундай хусусияти, у бошқа шахсларга ҳам ҳиссий эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эгадир. Норасмий обрўлилик, яъни шахслараро муносабатлар маҳсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшашлар обрў орттириш меъзонларидир.

Лидерлик ходисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд.

Биринчиси “лидерлик сифатлари назарияси” дир ёки харизматик назария. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим

шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таъминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К.Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, юмор ҳисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар бор эди. Лекин бу назариянинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмади, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмади.

Иккинчи назария лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя – лидер вазиятнинг маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларини кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назария лидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг рўёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Бизнинг олимларимиз рус психологи А.Н.Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин деб ҳисоблашмоқда. Ижтимоий кутишлар назарияси ҳозирда кўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда. Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишдадир. Ижтимоий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири-турли бошқарув услубларидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Паригин, Л.Н. Уманский, М.Ю.Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир.

Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш услубларига характеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб-авторитар, демократик ва либерал иш услубларидир.

Авторитар раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида аниқ-равшан, кескин оҳангда ходимларга етказди. Мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан ышпол муомалада бўлиш, кескин таъқиқлаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири-нима йўл билан бўлса-да, ўз ҳукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак-истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш

йўла билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмоқчилигини одатда, жамоадан сир тутади, унинг фикрича, бу унинг обрўйига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Гуруҳдаги ижтимоий-фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатидан, у “жамоадан четда”, автоном.

Авторитар раҳбарда ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очиқ ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимият-марказлаштирилган, жамоа раҳбари ушбу марказнинг яқка ҳокими-шунинг учун ҳам бу ерда “менинг одамларим”, “менинг ишим”, “менинг фикрим бўйича” қабилидаги иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидоийлик борки, улар ўзларини шу ишсиз тасаввур қила олмайдилар, яъни иш унинг “бутун вужудини қамраб олган”. Шу сабаб бўлса керак, бундай раҳбар ҳар бир одамни унинг кундалик иш фаолиятини, унинг натижаларини жуда яхши билади. Лекин, аслида, уни ишнинг мазмунидан кўра, унинг ўша ердаги етакчилик роли. Бошлиқлиги кўпроқ қизиқтиради ва ўзига ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун жамоа олдига қўйилган барча топшириқлар бажарилмай қолмайди.

Демократик раҳбар, аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик, эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, таклиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча таклиф. Истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида “айбдорга” етказилади. Ҳар бир янги иш жамоа маслаҳатсиз бошланмайди. Шунинг учун ҳам унинг фазовий-ижтимоий ҳолати “жамоа ичида”.

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари-норасмий лидерлар танқид қиладилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан қшрқмайди. Чунки ундаги маъсулият ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқот пайтида, балки ходимлар билан мулоқотда ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан маъсулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сирини йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас, балки барча ходимлар гапирадилар, охириги қарор чиқариш ва сўзларни яқунлаш, умумлаштириш ҳукуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Либерал (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини, ишга муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига кшпинча ишнинг охириги оқибати билан танишиш билан чекланади, холос. Жамоада ҳамкорлик йўқ, бошлиқ жамоанинг муаммолари, ишнинг баланд-пасти билан қизиқмайдигандай, гўёки бошқа “коинотда” юрганга ўхшайди. Аниқ кўрсатмалар бермайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқлар бажарувчиларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, керакли маҳсулот, хом-ашё кабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш ва ҳаказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганда, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай, охириги сўзни ўзига қолдиради. Юқорида айтиб ўтилганидек, раҳбарда туғма қобилият бўлади деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В. Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир ярим мингини санаб чиққан. Аввало, ҳар қандай раҳбарда интеллект – ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений жаражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этгани-одамлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, чунки “ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир”, -деб ёзишган эди инглиз олимлари. Ижтимоий психологиянинг бу борада ҳам яхши воситаси- ижтимоий психологик тренинг услуги борки, унинг ёрдамида одамлар билан ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усулларига муваффақиятли тарзда тайёрланмоқдалар.

Назорат саволлари

1. Гуруҳ деб нимага айтилади?
2. Кичик гуруҳлар деб нимага айтилади?
3. Лидер ва раҳбар ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
4. Ижтимоий психологияда гуруҳлар қандай классификация қилинади?

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

5-МАВЗУ: Омма сиёсий психологияси

РЕЖА:

- 6.1. Ижтимоий установка тушунчаси.*
- 6.2. Ижтимоий установкаларни ўрганишида Узнадзе мактаби тадқиқотларининг аҳамияти.*

Таянч иборалар: шахс, установка, эмоионал, когнитив, ҳатти-ҳаракат, экстрроверт, интроверт

6-МАВЗУ: Иқтисодиёт соҳасидаги тадбиқий ижтимоий психология

РЕЖА:

6.1. *Ижтимоий установка тушунчаси.*

6.2. *Ижтимоий установкаларни ўрганишида Узнадзе мактаби тадқиқотларининг аҳамияти.*

Таянч иборалар: *шахс, установка, эмоионал, когнитив, ҳатти-ҳаракат, экстрроверт, интроверт*

6.1.Ижтимоий установка тушунчаси.

Мулоқот жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларнинг ҳам эгаси-субъекти ҳамда объекти аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алоҳида шахс муаммосини ҳам ўргандики, уни ўша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади. Маълумки, шахс муаммоси умумий психологияда ҳам, ёш психологияси ва педагогик психологияда ҳам, дифференциал, ҳуқуқий психология ва психологиянинг қатор махсус бўлимларида ҳам ўрганилади. Ҳар бир бўлим ёки тармоқ уни ўз мавзуи ва вазифалари нуқтаи назаридан шахсга таалуқли бўлган муаммоларни ёритади. Масалан, умумий психология шахсни психологик фаолиятнинг маҳсули, алоҳида психик жараёнларнинг эгаси деб ҳисобласа, социология уни ижтимоий муносабатларнинг объекти деб қарайди.

Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндашишнинг ўзига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан бўладиган турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Яъни, ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга бўйсунганини, шахснинг мулоқотлар системасида олган таъсирлари унинг онгида қандай акс топишини ўрганади. Гуруҳнинг шахс психологиясига таъсири қай йўсинда содир бўлиши ижтимоий психологияда социализация муаммоси билан узвий боғлиқ бўлса, бу таъсирларнинг шахс хатти-ҳаракатлари, хулқида бевосита қандай намоён бўлиши ижтимоий йўл-йўриқлар муаммоси билан боғлиқдир. Ана шулар асосида шахсда шаклланадиган фазилатлар ва уларнинг турли типдаги шахсларда намоён бўлишини аниқлаган ҳолда, шахс хулқ-атворини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, шахсга социал-психологик ёндашиш уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитида ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришувчи конкрет одам деб тушунишдир.

Ижтимоий установка муаммоси Ғарбда, айниқса, Америка Қўшма Штатларида ҳар тарафлама чуқур ўрганилган муаммолардан ҳисобланади. Америкалик олимлар унинг шахснинг аввалги ҳаётий тажрибасига, ундаги ижтимоий тасаввурларга боғлиқлигини ўрганиб шахс хулқ-атворини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлигини исбот қилдилар (У.Томас, Ф.Знанецкий, Г.Олпорт, М.Смит, К.Ховланд, Лапьер, Д.Катц, Н.Рокич ва бошқалар). Улар ижтимоий установкани бир сўз билан-“аттитюд” сўзи билан ифодалядилар. 1942 йилдаёқ М.Смит аттитюднинг уч компонентли структурасини ишлаб чиққан. Бунга кўра аттитюдда уч қисм бўлиб, булар когнитив қисм, аффектив қисм ҳамда конатив қисмларидир. Когнитив қисм-бу шахсдаги аттитюд объектига нисбатан билимлар, унинг одам томонидан англанишидир. Бунга шахсдаги билимлардан ташқари ғоялар, тасаввурлар, принциплар ва ҳоказолар киради. Аттитюднинг аффектив қисми-бу ўша объектни ҳиссий-эмоционал баҳолаш бўлиб, ёктириш ёки ёктирмаслик тарзидаги ҳиссиётлар киради. Конатив қисм ёки хулқ-атвор билан боғлиқ қисмга эса шу объектга нисбатан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар, айнан хулқ-атвор киради.

Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкинлиги муҳим ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир. Америкалик олим Ховланд фикрича, ижтимоий установка ўргатиш йўли билан ўзгариши мумкин. Яъни ўқувчилардаги турли установкакарни ўзгартириш учун рағбатлантириш ёки жазолаш системасини ўзгартириш лозимдир. Икки, шахс ёки шахс билан гуруҳнинг установкакари мос келмай қолган шароитда эса томонлардан бири онгли равишда ўз установкакарини ўзгартириши шартдир. Акс ҳолда номутаносиблик принципига кўра шахслараро низо ёки келишмовчилик пайдо бўлиши муқаррардир.

Психологларнинг фикрича (Г.Асмолов, П.Шихерев, В.А.Ядов, П.Надирашвили ва бошқалар) ижтимоий установкакарни ўзгартириш учун шу установкаканинг сабаби бўлган вазият ёки фаолиятнинг мақсади ва мотивини ўзгартириш шартдир. Шу нарса шахснинг актив онгли фаолиятида содир бўлади.

Экстрове́рт ёки интроверт типлари. Бу типлар мулоқотга кириша олиш “санъатига” кўра фарқланади. Масалан, экстрове́рт-ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёждир, бошқаларнинг уни тушуниш-тушунмасликларидан қатъий назар, у доимо ўз фикр-истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстрове́ртнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, дўстлари, ўроқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Экстрове́рт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарса бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Интроверт эса экстрове́ртнинг тескараси. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш,

Ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий ишдир. Унда мулоқотга установка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интроверт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчийди, ўзини олиб қочади. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиққан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содиқ, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

Мойил ёки ригид типли суҳбатдош. Бу шахс типлари мулоқотга киришиш меъзонига кўра фарқланади. У тез гапиради, доимо шошади, юз ифодалари ҳам тез ўзгаради. Суҳбат мавзуини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб хайрлашиб кетиши ҳам осон.

Ригид суҳбатдош эса унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам, бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши жуда қийин, у маълум муддатни талаб қилади. Ригид шахс жуда яхши суҳбатдош. Мобил типдаги суҳбатдош билан гаплашаётганда у тез-тез гапни бўлиб, суҳбатдошига ташаббусни бергиси келмайди, ригид эса жуда диққат билан тинглайди. Лекин ўзи гапирганда, секин, мантқан тўғри гапиришни яхши кўради, гапни бўлишларини сира истамайди. Агар суҳбатни бўлсангиз, кейинги сафар сиз билан гаплашмай кўя қолишни афзал кўради. Агар у билан уришиб қолсангиз, анча вақтгача унинг аччиғи келмайди, сизни охиригача эшитиб, секин жавоб беради, аччиғи одатда сиз кетгандан кейин келади.

Доминант ва тобе типли шахслар. Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан паст келишни ҳохламайди, савол берилса, хоҳласа жавоб беради, бўлмаса индамаслиги ҳам мумкин. У доимо суҳбатдошга таъсир кўрсатиши, унинг бўйсунганини ҳохламайди. Унда эгоизм ҳисси кучли, ўзи хато фикр юритса, хатолигини суҳбатдош сезса ҳам уни бўйнига олмайди. Доминант тип-қатъиятли. Суҳбат давомида у сизнинг фикрингизни ярим йўлда тушунса, сизни охиригача тинглашни истамайди, гапни бўлиб, майинлик билан гапни тугатиб қўйиши мумкин.

Тобе типли шахс эса суҳбатдошнинг қарашларига мослашади, доимо ён беришга тайёр, шунинг учун у кам жанжаллашади, лекин ёмон кўриб қолган одами билан умуман гаплашмайди. Суҳбат шароитдагина у аста-секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очиқ гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир, шунинг учун ҳам уларни мақтаб туриш, гапираётганда кўзлар, юз ифодалари билан уларни руҳан қўллаб туриш керак. Бирор қарорга келиш керак бўлиб қолса, қарорни яхшиси сиз қабул қилишингизни хоҳлайди, чунки жавобгарликни бўйнига олишни истамайди.

Биз юқорида шахс томонидан қандай ижтимоий таъсирлар қабул қилинади-ю, у бу таъсирларни ўзининг установкалари орқали намоён этиб, шахсий сифатларда мустаҳкамланишини кўриб чиқдик. Лекин ҳар бир шахснинг индивидуал, қайтарилмас мавжудод эканлигини назарда тутсак, унинг таъсир ўтказувчи конкрет гуруҳларининг ролини алоҳида айтмай

бўлмайди. Г.М.Андреевнинг фикрича, бу муаммо куйидагича кўйилиши лозим: “Шахсда шаклланган ижтимоий-психологик фазилатларнинг қанчалик социализация жараёни таъминланган ва реал фаолияти кечган гуруҳларнинг “сифатига” боғлиқлиги муаммоси. Масаланинг кўйилиши ҳақиқатан ҳам тўғри, чунки конкрет вазиятлардаги гуруҳларни назарга олмаган тақдиримизда ҳам, биз қандай типли гуруҳнинг шахс камолотига ижобий таъсир кўрсатишини билишимиз керак, масалан, зиддиятли гуруҳ шахсда тўғри фаол мақсадлар шаклантирадими ёки зиддиятсиз, ҳар қандай шароитда ҳам келишувчан гуруҳми? Ёки кўп йиллар мобайнида узок мулоқотда бўлган кишилар гуруҳи маъқулми ёки турли-туман янги гуруҳлар керакми?”

Умумий психологияда ва психологиянинг бошқа тармоқларида ўтказилган илмий изланишлар натижасида асосан қандай шахсни “ижобий” деб аташ мумкин, деган саволга қисман жавоб топилган. Масалан, А.В.Петровский ана шундай сифатларнинг бир ярим мингга яқинини аниқлаган, лекин ўша сифатларнинг шаклланишига замин бўладиган гуруҳлар ҳақида шу пайтгача фанда аниқ маълумотлар йўқ. Аниғи шуки, шахсни тушуниш учун, унга холис баҳо бериш учун унинг фақатгина яқин кишилари гуруҳини эмас, балки у мулоқотда бўлган ва бўлаётган гуруҳлар системаси ва уларнинг сифатини ўрганмоқ лозим. Чунки, масалан, агар бирор шахс қонунни бузса ёки ёмон, жиноий йўлга кириб кетса, унинг хулқ-атвор мотивларини тушуниш учун унинг оиласини, мактабида синфини, ишхонасида жамоасини юзаки ўрганиб, шу асосда хулоса чиқарилади. Лекин бу нарса умуман етарли эмас. Чунки шахс фақатгина яқин атрофдаги кишилар гуруҳингизгина таъсирида бўлмай, балки турли катта гуруҳларнинг (синф, миллат, халқ, профессионал гуруҳ, ёш гуруҳ ва шунга ўхшаш) бевосита таъсирида бўлади ҳамда худди шу гуруҳлардан хулқ-атвор нормалари, маданият ва қадриятларни ўзлаштиради. Чунки худди шу гуруҳлар шахс эътиқодини, унинг дунёқарашларини ҳам белгилайди.

Назорат саволлари

1. Ижтимоий установка тушунчасининг маъноси нимани англатади?
2. Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкинми?
3. М.Смит аттитюднинг нечта компонентли структурасини ишлаб чиққан?

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

7-МАВЗУ: Инсон саломатлигига оид тадбиқий ижтимоий психология

РЕЖА:

7.1. Агрессия тушунчасининг операционал тавсифи.

7.2. Инсон саломатлигига агрессив хулқ-атвор детерминанти сифатида таъсири.

Таянч иборалар: шахс, агрессия, эмоционал, когнитив, ҳатти-ҳаракат, экстрове́рт, интроверт

7.1. Агрессия тушунчасининг операционал тавсифи

Инсон фаоллигини ўзига хослиги шундаки, у муттасил бошқа одамлар ёки ўзи яратган нарсалар билан ўзаро муносабатда кечишидадир. Улар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи табиий қонунлардан ташқари ижтимоий ҳаётнинг гоҳида муносабатлар вариативлигини муайян даражада белгилаб турувчи ахлоқий нормаларнинг қатъий қоидалар шаклидаги қонунлари кучга киради. Пировардида инсонлараро ўзаро муносабатларни идора қилувчи бир-бирининг хатти-ҳаракатини ва хулқини, шунингдек бошқа инсонларга қаратилган хусусий ҳаракатларни баҳолаш тизими ишга тушади. Инсонлар томонидан белгиланадиган муносабатларни акс эттирувчи мазкур баҳоларнинг нисбийлиги асосий фалсафий ва ахлоқий масаладир. Кимнингдир нуқтаи-назарига кўра заруриятдай туюладиган нарса бошқа бир инсон учун нафақат бефойда, балки зарарли деб ҳисобланиши мумкин, бир маданиятда маъқул саналган нарса бошқа бир маданиятда номаъқулдек эътироф этилиши мумкин [4].

Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим характеристикаларидан бири агрессивликдир. Психологияда “агрессия” тушунчаси турлича ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар агрессияни негатив хулқ-атвор модели сифатида баҳоласалар, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бу хулқ-атворнинг позитив томонлари ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар [8].

Биз, - деб ёзади Р. Кратчфилд ва Н. Левинсонлар – агрессия ахлоқийликнинг зидди демокчи эмасмиз: зотан агрессиянинг баъзи бир шакллари ахлоқсизлик сифатида қарамайди. Бироқ у аксарият ҳолларда

ахлоқсизликдир, шунинг учун ахлоқийликни ўзлаштирилишига маъсул механизмлар агрессив импульслар ижтимоийлашуви негизда ҳам ётади. Улар агрессиянинг икки бир-бирини инкор этмайдиган ва бирдай мақбул тавсифларини берганлар. Биринчиси, хулқ-атворнинг зохирий (ташқи) аломатларига асосланади: “Агрессия” - кимгадир зиён етказувчи хулқ-атворнинг ҳар қандай кўринишидир. Иккинчиси, одамнинг ботини (ниятлари) билан боғлиқ, яъни инсонни ҳаракатга ундовчи кучларни ўрганиш билан англаш мумкин бўлган ҳолатлар билан муштарак: “Агрессия - бошқа бир инсонга зиён етказишни мақсад қилиб олган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир” [5].

Агрессиянинг юқоридаги зикр этилган тавсифларига монанд тушунчаларга таянган ҳолда кўпгина психологлар агрессияни жонли оламнинг, яшаш учун кўраш билан боғлиқ, узвий характеристикаси деб ҳисоблайдилар.

В. Клайн агрессивликнинг салбий жихатларини инкор этмаган ҳолда агрессияда “маълум маънодаги соғлом жихатлар” ҳам мавжуд бўлиши, улар фаол ҳаёт кечириши учун асқотиши мумкинлигини эътироф этади.

Агрессия ва агрессивлик тушунчаларини бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш лозимдир. Агрессия - бу одамлар, одамлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Агрессивлик - шахснинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у агрессияга тайёргарликни ифодалаш билан бирга душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни билдиради. Агрессивлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тузилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлади. Демак, агрессия - бу жисмоний ёки руҳий зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир. Ушбу таърифда таъкидланишича, агрессия - бу эмоция ёки мотив эмас, балки хулқ-атвор моделидир. Гарчи агрессия аксарият ҳолларда ҳақоратлаш ёки зарар етказишга интилиш билан боғлиқ бўлган мотивлар асосида ҳамда негатив эмоциялар жумладан, қаҳр, ғазаб, тажанглик билан боғлиқ тарзда ассоциация қилинди. Албатта, юқоридаги омиллар агрессив хулқ-атворга маълум маънода катта таъсир кўрсатади, лекин уларнинг мавжудлиги бундай хулқ-атворни юзага келишида зарур бўлган шароит ҳисобланмайди. Агрессиянинг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Бошқаларга хавф солувчи ёки зиён етказувчи ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади. (Басс).
- Бошқаларни ҳафа қилиш, уларга зиён етказиш нияти бўлган хатти-ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Берковитц).
- Бошқаларга жисмоний зарар етказиш нияти билан амалга оширилган ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Зильманн).
- Бошқа тирик мавжудотларга зиён етказишга қаратилган, бироқ ўзига нисбатан қўлланилишга қарши бўлган ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади. (Р.Берон, Д. Ричардсон) [31].

“Криминал психология”га оид китобларда агрессияга шундай таъриф берилади:

Бошқа бировга жисмоний ва руҳий зарар етказиш мақсадида қилинган ҳаракатга ҳамда бирор шахс ёки объектни йўқ қилиш мақсадидаги уринишга агрессия дейилади. Баъзи бир ижтимоий психологлар агрессияни бошқа бировга атайин жисмоний ёки ижтимоий зарар етказиш, баъзи ҳолларда эса хужумкор объектни йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракат деб таърифлайдилар [28].

Мавжуд бу таърифларга асосланиб, шартли равишда агрессив хулқ-атворни 2-гурӯҳга бўлиш мумкин:

1. Мотивацион агрессия. Агрессия - мотивацион фаолият сифатида норма ҳамда қоидаларни бузиш, атрофидагиларга зарар ва азоб-укубат келтириш деб тушунилади. Шу ўринда инструментал ҳамда ғараз билан қилинган (олдиндан ўйланган) агрессия типлари ҳам фарқланади.

Инструментал агрессия. Инсон агрессив ҳаракат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки бу шароит билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Айни ҳолда мотив мавжуд бўлади, лекин англамаган тарзда намоён бўлади.

Ғараз билан қилинган (олдиндан қилинган) агрессия. Агрессив хулқ-атвор яъни зарар ёки зиён етказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар англаган мотив асосида амалга оширилади.

2. Агрессия душманлик ва вайронагарчилик акти сифатида. Р. Берон ва Д. Ричардсонлар бу борада бундай аниқликни келтиришади.

Агрессия - бу ҳаракатланиш ёки бошқа тирик мавжудотга зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир.

Бу муаллифларнинг фикрича:

- Агрессия албатта ғараз билан қилинган (олдиндан ўйланган) ва зарар етказиш мақсадида қилиб олинган хулқ-атворни назарда тутади;
- Агрессив хулқ-атвор сифатида фақатгина тирик мавжудотга зарар ёки зиён етказишга йўналтирилган хулқ-атвор кўринишлари тушунилади;
- Агрессия қурбонида ўзига нисбатан қилинган бундай муносабатдан мотивацион қочиш истаги мавжуд бўлиши керак [5].

Фешбах (Feshbach 1964) томонидан агрессив хулқ-атвор 2 типга бўлиб ўрганилган:

1. Душманлилик (ғараз) агрессияси.

2. Инструментал агрессия.

Бу тип агрессиянинг мақсади ва муқофотланишига (агрессияга тўланадиган ҳақ назарда тутилмоқда) асосланиб ажратилган.

Агрессиянинг душманлик (экспрессив) кўриниши.

- Душманлик агрессияси - агрессивликни қўзғатувчи сабаб ва таъсирлар жумладан ҳақоратлаш, жисмоний хужум ёки шахсий омадсизлик таъсири натижасида ғазабни қўзғатиш оқибатида содир бўлади. Агрессорнинг мақсади жабрланувчини азоб чекишга мажбур этишдир.

Қотилликларнинг аксарият қисми зўрлаш, номусга тегиш ва бошқа жиноятлар жабрланувчига зиён-захмат етказишга қаратилиб душманлик

агрессиясини юзага келтиради. Бундай ҳолларда агрессорнинг тезкор ва жаҳл устидаги ҳаракати кузатилади.

- Инструментал агрессия. Инструментал агрессия одатда рақобат ёки қандайдир объект, статусни эгаллаш мақсадида юзага келадиган хулқ-атвор шакли ҳисобланади. Агрессор истагидаги объектни ҳар қандай шароитда ҳам қўлга киритишга интилади, йўлдаги тусиқларни йўқ қилади. Масалан: синдиради, бузади, одамга эса мажбуран хужум қилади. Инструментал агрессор бировга захмат ёки зарар етказиш мақсадида эмас, фақат бирор предметга эга бўлиш мақсадида бузғунчилик қилади. Душманлик агрессиясидан фарқли ўларок, яъни аввалдан зиён етказиш, азоб беришни режалаштирмаган ҳолда совуққонлик асосида агрессив хулқ-атворни намоён этади. Бир сўз билан айтганда, инструментал агрессия қарама-қарши томондаги бирор нарсага эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга қаратилган уринишдир.

Г. Паренс (Parens, 1979,1997) агрессияни икки турга бўлади [23]:

1. Конструктив агрессия - мақсадга эришишга йўналтирилган қатъий, туғма, ўз-ўзини ҳимояловчи хулқ-атвор шаклидир. Бу туғма механизм жамиятга мослашишга, эҳтиёжларини қондириб, мақсад сари интилишга ҳамда ўз шахсига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотишга хизмат қилади. Инсонда “хаёт учун кўрашиш” туйғуси, истаги уйғонган дақиқаданок бу механизм ўз фаолиятини бошлайди.

2. Деструктив душманлик - ёқимсиз, ғазабли, қаҳрли, ёмонлик тиловчи, қасоскор хулқ-атвор шаклидир. Бу ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг хилма-хиллиги бўлиб, кучли, ёқимсиз кечинмалар натижасида активлашади. Садизм - яъни зарар ёки зиён етказишдан роҳатланиш бу хулқ-атвор шаклига мисол бўла олади.

Агрессив хулқ-атвор учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, булар қуйидагилар:

1. Билиш қисми - агрессив хулқ-атворни вужудга келишига таъсир этган объектни ажратиб олиш ҳамда бунга сабабчи бўлган мотивни асослаб, вазиятни тушунишдан иборат бўлади.

2. Эмоционал қисм - салбий эмоциялар жумладан, ғазаб, қаҳр тажанглик, нафрат ва ҳазар кабиларни намоён этади.

3. Иродавий қисм - қатъийлик, мақсадга йўналганлик, журъатлилик, ташаббус-корлик каби иродавий сифатларни ўз ичига қамраб олади.

Бу уч таркибли қисмнинг намоён бўлиши босқичлари ўзгарувчан бўлади. Чунки бу жараён бевосита инсоннинг физиологик хусусиятлари (темперамент, экстравертлик, интравертлик) билан боғлиқдир.

Инсондаги агрессив хулқ-атвор кўринишларини турларга ажратишда биз Басс (Buss 1971) томонидан тузилган жадвал билан танишиб чиқамиз.

Инсондаги агрессив хулқ-атвор турлари.

Агрессия турлари	Тўғридан-тўғри фаол агрессия	Билвосита фаол агрессия	Тўғридан-тўғри суст агрессия	Билвосита суст агрессия
------------------	------------------------------	-------------------------	------------------------------	-------------------------

Жисмоний агрессия	Зарба бериш	Оёғидан чалиш	Ҳалақит бериш, зиён етказиш, тўсиқлар	Вазифани бажаришдан бош тортиш
Вербал агрессия	Жабрланувчини хақорат қилиш	Ёмон миш-миш тарқатиш	Сўзлашишдан бош тортиш	Ёзма ёки оғзаки келишишни хоҳламаслик

Басс агрессия турларини 3 га: жисмоний - вербал, фаол - суст, тўғри - билвоситага ажратиб тадқиқ қилганини кузатдик.

Агрессия намоён бўлиш механизми ва фаолиятига кўра фарқланиб, фаолият механизми ҳамда тамойили кўпинча инсон томонидан вазиятни ҳал қилиниши, баҳоланишига боғлиқ бўлади. Қуйидаги омиллар агрессив хулқ-атворни аниқлашга ёрдам беради.

1. Ғаразли мақсад. Қачонки инсон, бошқа биров унга нисбатан ҳужум қилиш ёки ҳалақит бериш истагидалигини билса, биринчи навбатда ғаразли мақсад, душманлик ҳолатини ўзга қанчалик даражада тегишли эканлигини ҳал қилиб олиши лозимдир. Кўпинча агрессиянинг бошланишида фақатгина, бошқа бир инсон душманлик мақсадидаги, ҳатто субъект ҳужум қилмаган бўлсада бу ҳақдаги билим унга етарли асос бўлиши кузатилади. Шу билан бирга душманнинг олдиндан ўз агрессив хулқ-атвори учун узр сўраши, аксарият ҳолларда қарама-қарши томоннинг ғазабини сўндириб жавоб агрессиясини намоён бўлишини олдини олади. Субъект ғаразли мақсад унга зарар етказиши ва ғазабни юзага келтириши мумкинлигини ҳал қилган захоти бу аниқланувчидан ҳалос бўлиши қийинлашади. Фақатгина катта меҳнат орқали бу аниқловчини ўзгартириш мумкиндир. Агар субъект можаро кутилмаганда ёки хатолик асосида юз берганлигига қатъий ишонса, у ҳолда ғазаб, ўч олиш нияти ва жавоб агрессиясини қайтаришга бўлган интилиш бир зумда сўниши мумкин.

2. Агрессияни мақсадга эришишни кутиш ва агрессив хулқ-атвор учун жазоланиш. Субъект тўғридан-тўғри агрессияни амалга ошириш учун унга қийинчилик туғдирмайдиган имкониятларга эга бўлмагунча жабрланувчига зарар етказиши ва шу билан бирга агрессив фаолиятда мақсадга эришишдаги эҳтимоллик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлмаслиги кузатилади. Эҳтимолликни амалга ошириши фақатгина шундай бир ҳолатларда, яъни жавоб агрессияси бевосита агрессорнинг агрессияга етиб бормаган вазиятларда, жумладан учрашиш имкони йўқ бўлганда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунда, билвосита агрессия шакли агрессорнинг шахсиятига ёки унинг обрў-эътиборига зарар етказишдан иборат бўлади. Билвосита агрессив фаолият агрессорни енгиб, фаолият натижаси оқибатини кутиш сифатида яъни ҳал қилувчи детерминант тарзда намоён бўлади. Масалан: Агар инсон бир ўзи агрессорнинг устидан раҳбариятга шикоят қиладиган бўлса, бу шикоят раҳбариятнинг эътибор

билан муносабатда бўлиши ва чора-тадбир қўллашига нисбатан ишониш мумкин. Вужудга келган агрессив тенденция ҳам амалга ошмай келажакка сақлаб қўйилади. Агар субъект агрессия қурбонига айланса, ҳатто қасос жавоб кучи юқори бўлиш эҳтимоли мавжудлигига қарамай у албатта қасос олишга интилади.

3. Агрессия орқали эришилган, қўлга киритилган натижадан қониқиш. Агрессияга йўлиққан ва қасос олиш ҳақида ўйловчи инсонда масалан, рингдаги жангдан сўнг боксёрлар жуфтлигининг бирида хавотирланиш билан қўшилган мағлубият ҳисси кузатилади. Бу қасос олиш ниятини қўзғатиб, кучайтиради. Натижада эса, мотивацияни ортишига олиб келади. Айниқса, субъектни бевосита қониқиш ҳосил қилишига жабрланувчининг ҳар қандай азоб укубат чекишни энг аввало бошдан кечираётган оғриқларни ифодаловчи реакциялар таъсир кўрсатади. Агар душманлик агрессияси қасос олиш тамойилига асосланса, у ҳолда олдиндан маълум кучдаги оғриқларни кузатиш орқали шахс максимал даражада қониқиш ҳосил қилиши мумкин. Бундай агрессия таъсири натижасидаги жабрланишни кузатиш мотивацион агрессияни юқори даражадан “0” даражагача қисқартириб бир вақтнинг ўзида агрессив хулқ-атворни анологик ҳолатга мустаҳкамлайди. Аҳамиятсиз бўлган оғриқни келтириш субъектда тўлақонли қониқишни ҳосил қилмайди, шу сабабли агрессив тенденциянинг қолган қисми сақланиб қолади.

4. Ўз-ўзини баҳолаш. Ўз-ўзини баҳолаш жараёни субъектнинг агрессив хулқ-атворини ҳал қилувчи детерминант сифатида намоён бўлади. Ўзини-ўзи баҳолаш даражаси ички мажбурий бўлган норматив меъёрларини бошқариб, агрессияни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Агар субъектни ноҳақ шахсиятига тегиб, ҳақоратлаб, ҳужум қилиб, тўсқинлик қилинса (бу норматив даража) у ҳолда бу вазиятда агрессия субъектнинг қасос олиш орқали ўз қадр-қийматини тиклашига йўналтирилиб, амалга оширилади.

5. Агрессия асаб бузувчи қулай ҳолатдир. Таъкидлаш лозимки, агрессивлик асосида биз нафақат ўзимизни, балки атрофимиздаги инсонларни ҳам кайфиятини умуман руҳий ҳолатига таъсир кўрсатиб, асабларини бузишимиз мумкиндир. Шу сабабли агрессия асаб бузувчи ҳолат сифатида эътироф этилади.

Агрессив хулқ-атворни аниқлашда ушбу таъсир этувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Агрессиянинг қуйидаги қисқача классификацияси мавжуд:

1. Агрессиянинг дардмандлик даражасидаги аломатлари (тутақиб кетиш, жаҳл келганда ўзини йўқотиб қўйиш);
2. Агрессиянинг жисмоний, оғзаки ва бошқа, бутун жамият учун номақбул саналган ахлоқ қонун-қоидалари билан боғлиқ шакллари (одатда, улар ижтимоийлашув хусусиятлари, аксли ижтимоий хулқ-атвор нормаларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ бўлади);
3. Жамиятда қабул қилинган ахлоқ қонун-қоидаларини етарлича ўзлаштирилма-ганлиги ёки хатти-ҳаракатларини идора қилиш имконини

берувчи хусусий сифатларни тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлиқ агрессиянинг турли кўринишлари (таълим - тарбия кўрмаганлик);

4. Айрим кузатувчилар томонидан агрессив (хақ-хуқуқларини поймол қилиш, бировга зиён етказиш гумонини пайдо қиладиган) бошқа бир кузатувчилар томонидан қатъийлик, фаоллик сифатида талқин қилинадиган барча хатти-ҳаракатлар.

Юқорида келтирилган агрессия классификацияси Басс прологиясида ҳам ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Биз бу зўравонликларнинг барчасини деструктив, жисмоний агрессия ёки атайин бошқа бировга ё объектга зарар етказиш мақсадида амалга оширилган ҳаракат деб таърифласак бўлади. Агрессив хулқ-атвор: узоқ давом этувчи ёки қисқа муддатли, жуда тез содир этилувчи ёки ўзини бошқара оладиган даражаларда фарқланиши кузатилади.

Рольф Лебер ва Магда Штутхамер Леберларнинг таъкидлашича, агрессивлик очик ва яширин ҳолатларда бўлиб, бу икки агрессия ўз навбатида қуйидаги турларга ажратиб ўрганилади [12, 14]:

- 1- Паттерн хулқ-атвор.
2. Эмоциялар.
3. Когнитив жараён.
4. Ривожланиш.

Очик агрессив хулқ-атворда жабрланувчига тўғридан-тўғри очик ҳужум қилиниши, жисмоний зарба орқали зарар етказиш кузатилади. Яширин агрессия эса гап-сўзлар, миш-мишлар, алдов ва ёлғонлар асосида ифодаланади. Кўп ҳолларда очик агрессия ёш ўтиши билан кучсизланиб борса, яширин агрессия эса аксинча кучайиб боради. Маълумотларга кўра агар инсон болалигида очик агрессияни тез-тез кучли намоён этган бўлса, у ёши улғайганда ҳам зўравонлик қилиши, жиноятларга қўл уриши мумкин экан. Очик агрессия асосан эмоционал ҳолатлар жумладан, ғазаб, қаҳр, жаҳл, ҳис-ҳаяжон билан характерланади. Яширин агрессияда киши ҳолати нейтрал бўлиб, ҳис-туйғуларсиз ифодаланади. Когнитив жараёнда ҳам очик ва яширин агрессияда бир биридан фарқланади. Очик агрессив хулқ-атворли, зўравонликка мойил бўлган инсонларда “когнитив дефицитарность” яъни олдин ўйлаб кейин қарор чиқариш қобилияти мавжуд бўлмайди. Шу боис улар чуқур ўйлаб ўтирмай “агрессив” ҳаракат асосида вазиятни ҳал этадилар.

Яширин агрессияда когнитив жараёнларга кенг кўламда мос келувчи зўравонлик усуллари жумладан душманлик қилиш, маккорлик, нўноқлик хусусиятларини қўллаш ҳаракатлари кузатилади. Яширин агрессияда конфликтларни ҳал этишда “когнитив дефицитар” ҳолат яъни душманлик очикдан-очик намоён бўлмайди. Аксинча бунинг ўрнига улар яхшилаб ўйлаб, режалаштириб, маъкул келадиган йўлни топадилар. Масалан, чиройли ишонарли ёлғонлар тўқиш, агар ўғрилиқ қилиб қўлга тушиш эҳтимоли бўлса ишонарли “алиба” топиш ва б.р. Очик агрессиянинг шахс фаолиятида ривожланиши жуда эрта кузатилади. Масалан, ўғил болалар ўзаро можароларини очик агрессия усулида жуда тез ҳал қилишга одатланганликларини барчамиз амалиётда кузатганмиз. Бундай болалар

одатда оиладаги носоғлом муҳит, оилада тартиб интизомнинг мавжуд эмаслиги ва тарбия бериш усулларини тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида шундай деструктив хулқ-атвор эгаларига айланиб қолмоқдалар. Уларга ҳеч ким ҳеч қачон одобли бўл, ҳурмат қил, ҳалол яша деб, панд-насихат қилмаганлиги боис, улар ёмон хулқли инсонлардан ўрнак олиб, хулқ-атворларида очик ва яширин агрессияни намоён қилмоқдалар. Яширин агрессиянинг ривожланишида атроф-муҳитнинг таъсири кучли бўлиб, у жазодан қочиш агрессиясининг аста-секин шаклланиши натижасида юзага келади. Уйдаги нарсаларни ўғирлаб сотиш, ўғрилиқни алдов йўли билан яшириш, ўзини оқловчи усулларни ўйлаб топиш яширин агрессияга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, очик ва яширин агрессия тажоввузкорлик ҳамда зўравонликни намоён этувчи хулқ-атвор модели ҳисобланади.

Келтирилган турланиш психологик ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсондаги агрессив хатти-ҳаракатларнинг турли кўринишларини ифодалайди.

Инсондаги агрессив ҳолатларнинг турли кўринишлари.

Реакциянинг модаллиги	→ Вербал / жисмоний
Реакция сифати	→ Фаолиятли \ фаолиятсиз
Бевосита тўғридан-тўғри	→ Бевосита \ билвосита
Кузатувчанлик	→ Очик \ яширин
Ғаламискорлик	→ Игвосиз \ қасоскор уч олувчи
Мақсадга интилувчанлик	→ Душманлик \ инструментал
Зарар келтириш тури	→ Жисмоний \ психологик
Оқибатларнинг давомийлиги	→ Киска муддатли \ узоқ муддатли
Ҳаракатдаги ижтимоий бирлик	→ Индивидуал \ гуруҳий.

Таъкидлаш лозимки, агрессив ҳаракатнинг асосий сабаби бошқа бир одамга зарар етказиш истаги ёки агрессивлик орқали олдиндан белгиланган мақсадни амалга ошириш ҳаракати бўлиши мумкиндир.

А. Басс ва И. Дарк томонидан агрессив хулқ-атворнинг қуйидаги шакллари ажратив кўрсатилган.

1. Жисмоний агрессия - бошқа бир одамга қарши жисмоний куч ишлатишни ифодалайди;
2. Вербал агрессия - салбий ҳис туйғуларни оғзаки тарзда ифодаланиши (қий-чув солиш, сўқиниш, оғзаки таҳдид қилиш, лаънат айтиш, қарғаш);
3. Билвосита агрессия - бошқа шахсга қаратилган ғийбат, пичинг кўринишида билвосита олинадиган алам, ҳеч кимга йўналтирилмаган нафрат (ер тепиш, бақириб-чақириб);
4. Негативизм - мавжуд қонун-қоидаларга шунчаки қарши чиқишдан тотиб, улар билан курашишгача бўлган реакциялар (воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, ҳамма нарсани инкор этиш);
5. Жиззакилик - жаззакиликка мойиллик, арзимаган нарсаларга портлаб кетиш, кескинлик қўполлик қилиш;

6. Сергумонлик - ишончсизликка мойиллик, одамлардан шубҳаланиш, улар билан эҳтиёт бўлиб муносабатга киришиш, атрофдагилар зарар етказиши мумкин деган ўй билан яшаш;

7. Ранжнинг бутун оламдан ёки кимдандир аламзадалик, ҳаёлан ёки чиндан ҳам келтирилган изтиробдан ғазабланиш, атрофдагиларга нисбатан нафрат ва ҳасаднинг намоён бўлиши;

8. Аутоагрессия - ўзи ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган айбдорлик ҳисси, ўзига қарши қаратилган хатти-ҳаракат (ўзини айблаш, мен шундоқман, мен бундоқман деб ич этини ейиш).

Демак, агрессив реакцияларга бошқа одамларни қоралаш, ҳақоратлаш, таҳдид қилиш, жисмоний куч ишлатиш, жанжаллашиш кирса, неагрессив реакцияларга вазиятни юмшатиш, айбни ўз бўйнига олиш, рўй берган ҳодисага эътибор бермаслик, ҳиссиётга берилмай босиқлик билан қарор қабул қилиш кабиларни киритиш мумкиндир.

Агрессиянинг ижтимоий маъқул ва асоциал агрессив хулқ-атвор турлари фарқланади. Ижтимоий маъқул агрессия турида фрустрация ва низо натижасида келиб чиқувчи зўриқиш ҳамда ҳавотирланиш ижтимоий нормаларга мос келувчи ҳаракатлар орқали ҳал қилинади. Асоциал агрессив хулқ-атвор нормаларга зид бўлган (уришиш, сўкиш) ҳаракатларда намоён бўлади. Агрессив хатти-ҳаракат асосида агрессивлик мотиви ётади. Агрессив хатти-ҳаракатлар одамларга маънавий, руҳий, моддий ва жисмоний зарар етказиши мумкин. Агрессивлик бошқа одамга била туриб зарар етказиш демакдир. Бундай хатти-ҳаракатларни бартараф этишнинг психологик жиҳатдан қийин томони шундаки, агрессив хулқ-атворли шахс ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун осонгина кўплаб мантикий далилларни келтиради ва айбни ўз бўйнидан соқит қилишга уринади. Агрессив хатти-ҳаракатларни урганган Тадқиқотчи А. Бандуранинг аниқлашича, агрессорлар қуйидагича баҳоналар топадилар:

1. Ўз агрессивлик ҳаракатларини унинг қурбони бўлган шахсни камчиликлари ва салбий қилмишлари билан солиштириш асосида агрессияни у йўналтирилган киши қилмишларига нисбатан унчалик дахшатли эмаслигини курсатишга уриниш;

2. Ўз агрессиясини қандайдир гоъвий, диний, тасаввурлар орқасига беркитиш;

3. Содир этилган агрессив акт учун ўз шахсий жавобгарлигини инкор этиш;

4. Агрессив ҳаракат бошқа одамлар билан биргаликда содир этилганлигига рукач қилиб, маъсулиятнинг бир қисмини ўз бўйнидан соқит қилиш;

5. Агрессив хулқ-атвор натижасида қурбон бўлган инсоннинг шундай муносабатга мос одам бўлганлигини таъкидлаш;

6. ўз хатти ҳаракатларини оқловчи янги-янги далиллар, баҳоналар кидириш [13].

Хулоса қиладиган бўлсак, агрессия ёки кишилар ўртасидаги келишмовчилик оқибатида келиб чиқадиган вазоҳат ҳолати - бу шундай йўналишки, унга оид хулосалар нафақат психологларни, балки социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, файласуфлар, ижтимоий соҳа ходимларини барчасини бирдек кизиктиради. Зеро, инсон табиати ва унинг бошқа

инсонларга боғлиқ жихатларини ўрганиш учун хулқнинг айнан шу томонини ҳам ўрганиш, билиш ва бошқара олиш лозимдир.

7.2 Инсон саломатлигига агрессив хулқ-атвор детерминанти сифатида таъсири

Ўзга берилган баҳони тадқиқ этиш йўналишларидан бири бу мазкур феноменнинг бошқа шахс хусусиятлари билан ўзаро алоқадорлигини қидирмоқдир, хусусан, эмоционал дискомфортлик яъни хавотирлилик билан. ЎБ шахс хусусияти сифатидаги хавотирлилик билан муайян корреляцион алоқалар мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд. Ўзига берилган баҳо юқорилиги хавотирлиликнинг қуйи даражасига релевантлиги, шунингдек, бунинг акси бўлган беқарор ўзга берилган баҳода ҳам хавотирлилик индексининг ошиши қайд этилиши мумкин. Агар одамнинг ўзини баҳолаши хулқ-атворни белгиловчи омил билан тасдиқланишини инобатга олдиган бўлсак, унда уни шахсга доир бошқа ўзгарувчилар билан бўлган ўзаро муносабатларини топиш алоҳида аҳамият касб этади, яъни оддий корреляциялар ортида сабабий-оқибатли алоқалар яширин бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Бундай ҳолат эса, ўз навбатда, мазкур алоқаларнинг ўзини, уларнинг муқаррарлигини текширишни тақозо қилади.

Ўсмирларнинг ўз-ўзини баҳолаш структураси (Реал-Мен ва Идеал -Мен) даги жиддий ўзаро номувофиқлик, эмоционал дискомфортдан дарак бериб агрессив хулқ-атворни вужудга келишига таъсир қилиши мумкинлигини исботлаш учун бизлар Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳисининг модификациялаштирилган варианты тестидан фойдаландик (Т.Лири - Собчик).

Шахс атрофдагилар билан ўзаро таъсирнинг долзарблашган жараёнидаги хатти-ҳаракатларида намоён бўлишига асосланиб Тимоти Лири эмпирик кузатишларни шахслараро ўзаро таъсирининг 8та умумий, ёки 16 та тобора конкретлаштирилган октантлари – вариатнлари кўринишида системалаштирган. Шахслараро хулқ-атвор типларига мувофиқ жами 128 та анчагина оддий тавсиф-эпитетлардан иборат сўровнома ишлаб чиқилган. Сифат тавсифи у ёки бу шахслараро муносабатлар вариантини акс эттирувчи устувор типларни аниқлашни кўзда тутди. Октантларнинг ифодаланганлик даражаси тегишли баллар ва шахснинг маълум тавсифлари билан белгиланади. Октантларнинг кутбий тавсифларига тўхталиб ўтамиз.

Шахслараро муносабатларнинг дастлабки (1, -2, -3, -4 -) тўртта типни конформ тенденциялар устунлиги ва дезьюктив (конфликтли) кўринишларга мойиллик (3-4), фикрларнинг кўпроқ мустақиллиги ва ўз нуқтаи назарини ҳимоялашда қатъийлик, лидерлик ва устўворлик тенденциялари (1 - 2) билан характерланади. Қолган тўртта (5, -6, -7, -8 -) октант аксинча картинани намоён этади: конформ тенденциялар устунлиги,

атрофдагилар билан алоқаларда конгруэнтлик (7-8), ўзига ишномаслик, атрофдагилар фикрига ён босиш, мурасага мойиллик (5,6)ни билдиради.

Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари (Долзарб -Мен)

Шкалалар номи	Ўртача	Стандарт оғиш	N
Хукмрон – лидерлик	10.09	3.12	60
Мустақил – устуворлик	11.41	2.58	60
Тўғри – тажовузкор	13.18	3.64	60
Ишончсизлик – скептиклик	6.85	1.96	60
Итоаткор – тортинчоқлик	6.57	1.57	60
Боғлиқлик – буйсунувчанлик	6.5	1.05	60
Ҳамкорлик – конвенциаллик	4.53	1.11	60
Масъулиятли – бағри кенглик	5.51	1.65	60

Ўсмирларнинг Долзарб-Менига тааллуқли натижаларнинг марказий тенденцияси қуйидаги манзарани очиб берди:

Хукмрон-лидерлик шкаласининг ўртача қиймати 10.09 ни ташкил этган, Мустақил – устуворлик шкаласиники- 11.41, Тўғри – тажовузкор шкаласининг ўртача қиймати- 13.18, Ишончсизлик – скептиклик шкаласи ўртача қиймати- 6.85, Итоаткор – тортинчоқлик шкаласи- 6.57, Боғлиқлик – буйсунувчанлик шкаласи кўрсаткичи – 6.5, Ҳамкорлик – конвенциаллик шкаласи бўйича – 4.53 ва Масъулиятли – бағри кенглик шкаласи эса – 5.51ни ташкил этганини кўрсатди.

Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари диаграммаси(Долзарб-Мен)




Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари (Идеал-Мен) (N=60)

Шкалалар номи	Ўртача	Стандарт оғиш
Ҳукмрон – лидерлик	8.06	2.47
Мустақил – устиворлик	9.72	2.06
Тўғри – тажовузкор	7.79	1.96
Ишончсизлик – скептиклик	5.73	1.35
Итоаткор – тортинчоқлик	6.85	1.59
Боғлиқлик – буйсунувчанлик	6.62	1.67
Ҳамкорлик – конвенциаллик	11.83	2.54
Масъулиятли – бағри кенглик	9.14	2.38

Ўсмирларнинг Идеал-Менига тааллуқли натижалар таҳлили эса марказий тенденциянинг бироз бошқача манзарасини очиб берди:

Ҳукмрон-лидерлик шкаласининг ўртача қиймати 8.06 ни ташкил этган, Мустақил – устиворлик шкаласиники- 9.72, Тўғри – тажовузкор шкаласининг ўртача қиймати- 7.79, Ишончсизлик – скептиклик шкаласи ўртача қиймати- 5.73, Итоаткор – тортинчоқлик шкаласи- 6.85, Боғлиқлик – буйсунувчанлик шкаласи кўрсаткичи – 6.62, Ҳамкорлик – конвенциаллик шкаласи бўйича – 11.83 ва Масъулиятли – бағри кенглик шкаласи эса – 9.14ни ташкил этганини кўрсатди.

Шахсларо муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари диаграммаси(Идеал-Мен)



Ўз-ўзига берилган баҳонинг агрессия шакллари билан боғлиқлиги (N=60)

	Жисмоний агрессия	Вербал агрессия	негативизм	Ғашлик	Гумонсираниш	Айб хисси	аламзадалик
Хукмрон – лидерлик	,497(**)	,341(**)	-	,286(*)	,364(**)	,358(**)	,427(**)
Мустақил – устиворлик	,571(**)	,501(**)	-	,278(*)	,284(*)		,398(**)
Тўғри – тажовузкор	,690(**)	,340(**)	,238(*)	,276(*)	,356(**)		,444(**)
Ишончсизлик – скептиклик	-	,232(*)	,330(**)	,295(*)	,384(**)		
Итоаткор – тортинчоқлик	-	-	-		,325(**)	,358(**)	
Боғлиқлик – буйсунувчанлик	,387(**)	-	-				
Ҳамкорлик – конвенциаллик	-	-	,276(*)				-
Масъулиятли – бағрикенглик	-	-	-	-	-	-	-

Хукмрон-лидерлик яъни танқидга тоқатсизлик, ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш, фикрларнинг диктат услуби, бошқаларга буйруқ беришга императив эҳтиёж, деспотизм қирралари агрессиянинг негативизмдан ташқари деярли барча кўринишлари билан боғлиқ экани кўзга ташланади.

Худди шундай манзара мустақил-устивор (ўзбошимча, нарцистик, атрофдагилардан устунлик ҳисси ифодаланган, кўпчилик фикридан фарқли ўз фикрига эгалик тенденцияси ва гуруҳда ажратилган позицияга эгалик), тўғри тажовузкор (ҳаддан зиёд қайсарлик, дўстона эмаслик, ўзини тута билмаслик ва жаҳли тезликни) факторларида ҳам кузатилмоқда.

Тўғри – тажовузкор шкаласи кўрсаткичлари ифодаланганлик даражасига кўра бу октант ҳаддан зиёд қайсарлик, дўстона эмаслик, ўзини тута

билмаслик ва жаҳли тезликни (юқори баллар) ифода этади. Ва мазкур шкаланининг жисмоний, вербал, билвосита, негативизм, ғашлик, гумонмираш, аламзадалик каби агрессив хулқ-атвор кўринишлари билан алоқадорлиги кузатилди.

Ишончсизлик – скептиклик шкаласи скептицизм ва ноқонформлик (8 баллгача) ўта хафа бўлувчан ва атрофдагиларга ишончсиз муносабат модулига, критицизмга мойиллик, атрофдагилар билан муносабатлардан норозилик ва шубҳаликка ўтади. Ушбу шкала агрессиянинг вербал, негативизм, гумонсираш ва ғашлик кўринишлари билан боғлиқлиги кўзга ташланади.

Итоаткор – тортинчоқлик бу шахслараро муносабатлардаги камтарлик, тортинчоқлик (3-4), ўзгалар масъулиятини ўз зиммасига олиш (8баллгача), 12дан юқори балларда тўла итоаткорлик, оширилган айбдорлик туйғуси, ўз-ўзини камситишни акс эттиради. Бу шкала бўйича олинган натижалар агрессиянинг айбдорлик ҳисси ва гумонсираш шакллари билан узвий боғлиқлигини кўрсатди.

Боғлиқлик – буйсунувчанлик шкаласи эса битта жисмоний агрессия кўриниши билан алоқада эканида намоён бўлди.

Ҳамкорлик – конвенциаллик шкаласи референт гуруҳ билан яқин ҳамкорлик, атрофдагилар билан дўстона муносабатларга интилувчи шахсларга хос бўлган шахслараро муносабатлар услубини ифодалайди. Шахслараро муносабатларнинг бу услуби негативизм шкаласи билан узвий боғлиқлигини кўрсатди.

Қолган октантлар агрессив хулқ-атвор шакллари билан аҳамиятли равишда боғлиқ эмаслиги аниқланди.

8-МАНЗУ: Шахнинг ички (ўзи билан ўзи) рухий конфликти

РЕЖА:

8.1. Шахс ижтимоийлашуви.

8.2. Шахс тоифалари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси.

Таянч иборалар: шахс, установка, эмоционал, когнитив, ҳатти-ҳаракат, экстрроверт, интроверт

8.1. Шахс ижтимоийлашуви

Ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда *ижтимоийлашув ёки социализация* деб юритилади.

Демак, социализация ёки *ижтимоийлашув* - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши ва керак бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир.

Ижтимоийлашув энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у ҳар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10 - 15 та ўқувчидан иборат академик лицей ўқувчиларини олайлик. Уларнинг билими, илми идрок қилишлари, улардан ота - оналарининг кутишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган маълумотлар, манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида акс этади. Бу ўша биз юқорида таъкидлаган ижтимоийлашув ва индивидуализация

жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама - қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт - шароитларини *ижтимоий институтлар* деб атаймиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боқча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради.

Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда *оила ва маҳалланинг* роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, *оилавий муносабатлар* тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради. Бизнинг ўзбекчилик шароитимизда оила билан бир қаторда *маҳалла* ҳам муҳим тарбияловчи - ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан киз қидириб қолишади. Яъни, шу маҳалладаги ижтимоий муҳит кизларнинг иболи, ақлли, сариштали бўлиб етишишларига кўмаклашган. Масалан, айрим маҳаллаларда сахар туриб кўча - эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охиргилар эса шу маҳаллага катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига *мактаб ва бошқа таълим масканлари* киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйқунлаштирилади. Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда биз атайлаб ташкил этилган, охирги йилларда жорий этилган «Маънавият дарслари», «Этика ва психология» каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаяпмиз. Гап ҳар бир дарсинг, умуман мактабдаги шарт-шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим - боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Шу нуктаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс ҳолда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит

хам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит табиий ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йўналтириб туради.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити - бу *меҳнат жамоаларидир*. Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар характериға таъсир қилади. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижтимоийлашувининг муҳим мезонларидандир. Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири - ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг кимлиги ва унинг жамоага муносабати бўлиб, кўп инча ойлик - маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соқлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Шахс социализацияси тўғрисида гап кетаркан, айтиш керакки, социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у — индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин (масалан, чақалоқлардаги бевосита эмоционал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги).

Шахс социализацияси ёки шаклланишининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

1) *фаолият соҳаси*, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар жабҳаси, соҳаси кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониқтириш йўлидаги активлиги унда ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) *мулоқот соҳаси*, айниқса мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий-психологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади.

3) *ўз-ўзини англаш соҳаси*, яъни "Мен" образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлигини, ўзича мустақил

ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-ўзини баҳолаш, англаш, назорат қилиш- хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Шахс ижтимоийлашувининг ушбу босқичлари мавжуд. Масалан, биринчи босқич—меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги ижтимоийлашувнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан ташқи ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади, мустақил ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади. Иккинчи босқич — меҳнат фаолияти даври — бу давр одамнинг етуклик йиллари билан боғлиқ бўлиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт йўлини танлаган, турмуш қуриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг маҳсулидир. Ниҳоят, учинчи босқич — меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан актив меҳнат фаолиятидан сўнг қарилик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс ижтимоийлашуви давом этаверади, чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошқаларга узатилади, шунга кўра шахс структурасида ҳам хусусий ўзгаришлар рўй беради.

Бу жараён рўй берадиган шароитлар — муассасалар хусусида гапириладиган бўлса, турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, бошқа даргоҳлари, меҳнат жамоаларининг роли назарда тутилади.

8.1. Шахс тоифалари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси

Психологларнинг фикрича, (Г. Асмолов, П. Шихерев, В.А.Ядов, П. Надирашвили ва бошқалар) ижтимоий установакаларни ўзгартириш учун шу установаканинг сабаби бўлган вазият ёки фаолиятнинг мақсади ва мотивини ўзгартириш шартдир. Шу нарса шахснинг актив онгли фаолиятида содир бўлади.

Шундай қилиб, шахс социализация жараёнида турли установакаларини рўёбга чиқариш шароитида фаоллик кўрсатади. Шундай фаолликнинг натижаларини биз унинг ижтимоий-психологик сифатларида кўрамиз. Яъни, актив биргаликдаги фаолият, ўзаро мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий-психологик фазилатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам барча сифатлар фаолиятда намоён бўладиган ҳамда мулоқотда кўринадиган сифатлар гуруҳига бўлинади. Масалан, ташқи муҳит билан фаол муносабат перцептив ҳимоя сифатлари, яъни ўзига хавф солувчи ёки солиши мумкин бўлган ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қилувчи хусусиятлар шаклланади. Бу сифатларни баъзи муаллифлар перцептив қобилиятлар (В.А. Лабунская) деб аташар, бошқалари "ижтимоий таъсирларга ҳиссий жавоб бериш қобилияти" (А. Бодалев), "кузатувчанлик", "зийраклик" (Ю. Жуков) ва ҳоказо деб аташган. Бошқа сифатлар "мулоқотда намоён бўлувчи сифатлар"дир.

Улар турли ижтимоий кутишлар системаси билан боғлиқ бўлиб, шахснинг турли шароитларда тўғри мулоқотга киришиш имкониятини беради. Бундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқот жараёнида камрок хатоларга йўл қўйишини таъминлайди. Масалан, босиқлик, мулоҳазалилик ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, ҳатти-ҳаракатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлари фарқланади.

8.1. Экстроверт ва интроверт тоифали шахслар

Бу типлар мулоқотга кириша олиш қобилиятига кўра фарқланади. Масалан, экстроверт — ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёждир, бошқаларнинг уни тушуниш-тушунмасликларидан қатъи назар, у доимо ўз фикр-истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстроверт учун конкрет ким биландир мулоқотда бўлиш эмас, умуман ким билан бўлса ҳам мулоқотда бўлиш хоҳиши муҳим. Шунинг учун ҳам у умуман бегона одам билан гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин ("Қандай қилиб гаплашишни хоҳламаслик мумкин?", — деб уйлайди у). Экстровертнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, дўстлари, ўртоқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятдан чиқиш усуллари тўғрисида тез хулосага келади, ўта қизиқувчан, дунёда бўлаётган ҳодисалар, "миш-мишлар"ни билиш унинг учун зарур. Экстроверт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарса бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Интроверт эса экстровертнинг тескараси. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий ишдир. Шунинг учун ҳам унда мулоқотга установка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интроверт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчийди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса, 2—3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар куни эмас, баъзан-баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам "шахсий" мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида суҳбатлашишни яхши кўради. Чунки у экстровертдан фарқ қилиб, ўз "Мен"ининг бошқаларга ўхшамаслигини доимо эсда тутди. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиққан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содиқ, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

8.2. Мобил ва ригид тоифали шахслар

Бу шахс типлари мулоқотга киришиш меъзонига кўра фарқланади. Масалан, **мобил тип** ҳар қандай иш билан машғул бўлган шароитда жуда тез

мулоқотга киришади, лекин бошқа нарсаларга ҳам диққатини кўчириши мумкин. У тез гапиради, доимо шошади, юз ифодалари ҳам тез ўзгаради. Сухбат мавзусини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб, хайрлашиб кетиши ҳам осон. Сухбат тугагандан кейин қолган ишини давом эттириб кетаверади.

Ригид сухбатдош эса унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам, бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши жуда қийин, у маълум муддатни талаб қилади. Чунки у ўйламасдан таваккал иш қила олмайди. Масалан, у хат ёзаётган пайтда кириб қолсангиз, то бирор бўлагига нуқта қўймагунча сизга қарамайди. Қарагандан кейин эса, тезгина сухбатга кириша олмайди. Ригид шахс жуда яхши сухбатдош. Мобил типдаги сухбатдош билан гаплашаётганда у тез-тез гапни бўлиб, сухбатдошга ташаббусни бергиси келмайди, ригид эса жуда диққат билан тинглайди. Лекин ўзи гапирганда, секин, мантиқан тўғри гапиришни яхши кўради, гапини бўлишларни сира истамайди. Агар сухбатни бўлсангиз, кейинги сафар сиз билан гаплашмай қўя қолишни афзал кўради. Агар у билан уришиб қолсангиз, анча вақтгача унинг жахли чиқмайди, сизни охиригача эшитиб, секин жавоб беради, ундаги ранжиш, жахл чиқиши одатда сиз кетгандан кейин келади. Агар унинг сухбатдоши тоқатсиз одам бўлса, иккаласининг чиқиши қийин, чунки у узоқдан келиб тушунтиришни яхши кўради. Демак бу типлар ҳам ҳар хил, ҳар бирида ҳам яхши, ҳам ёмон сифатлар бор.

8.3. Доминант ва тобе тоифали шахслар

Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан паст келишни хоҳламайди, савол берилса, хоҳласа жавоб беради, бўлмаса, индамаслиги ҳам мумкин. У доимо сухбатдошга таъсир кўрсатиши, унинг бўйсунганини хоҳлайди. Унда эгоизм ҳисси кучли, ўзи хато фикр юритса, хатолигини сухбатдош сезса ҳам уни бўйнига олмайди. Доминант тип — қатъиятли. Сухбат давомида у сизнинг фикрингизни ярим йўлда тушунса, сизни охиригача тинглашни истамайди, гапни бўлиб, майинлик билан гапни тугатиб қўйиши мумкин. Агар иккала сухбатдош ҳам доминант бўлишса, унда улар ўртасида осонгина рақобат ҳисси юзага чиқиши, келишмай қолишлари мумкин. Шунинг учун жанжаллашиб қолмаслик учун доминант шахснинг мустақиллиги, дадиллигига кўниш, унга ўз нуқтаи назарини охиригача баён этиш имкониятини бериш лозим.

Тобе типли шахс эса сухбатдошнинг қарашларига мослашади, доимо ён беришга тайёр, шунинг учун у кам жанжаллашади, лекин ёмон кўриб қолган одами билан умуман гаплашмайди. Сухбат шароитидагина у аста-секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очиқ гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир, шунинг учун ҳам уларни мактаб туриш, гапираётганда кўзлар, юз ифодалари билан уларни руҳан қўллаб туриш керак. Бирор қарорга келиш керак бўлиб қолса, бу шахс қарорни яхшиси сиз қабул қилишингизни хоҳлайди, чунки жавобгарликни бўйнига олишни истамайди.

Юқорида келтирилган типларни кузатар эканмиз, барчасида яхши ва ёмон, ноқулай сифатлар борлигини кўрамиз. Ҳаётда кўпинча соф у ёки бу тип вакили учрамайди, лекин у ёки бу вазиятларда такрорланадиган фазилатларга қараб одамларни типларга бўламиз. Бундан ташқари, бир марта кўришда одам ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Уни турли шароитларда бир неча марта кузатиш лозим.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т., 1997, 64 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги Қонуни», Т., 1997.
1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.- «Туркистон», 2002 йил 31 август
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005.-96 б.
3. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с.
4. Немов Р.С. «Психология». Кн.1. - М., 2003
5. «Психология» Уч. Т-2. «Проспект». Москва - 2004.
6. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд. «Центр» 2003
7. Гамильтон. Я.С. «Что такое психология». «Питер», 2002.
8. Ананьев Б.Г. «Человек как предмет познания». «Питер», 2001.
9. Дружинина В. «Психология». Учебник. «Питер», 2003.
10. Бурлачук Ф. Психодиагностика. «Питер», 2002.
11. Айзенк М. Психология для начинающих. «Питер», 2000.
12. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – Мавзу.Ижтимоий психологик ғоялар шаклланиши тарихи

Режа

1.Ижтимоий фалсафий ва социологик таълимотларда ижтимоий-психологик ғояларни ривожлантириши.

2.Ижтимоий психологияни мустақил фан бўлиб ажралиб чиқишида ижтимоий, илмий ва идеологик назарияларни яратиш бўйича биринчи харакатлар.

3.Ижтимоий психологияни чет элдаги ҳозирги вақтда мавжуд бўлган асосий назарий концепцияси.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
- 2.Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
- 3.Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
- 4.Кузмин Е.С. Основы социальной психологияЛГУ 2001
- 5.Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

2 – Мавзу.Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммолари

Режа

1.Илмий билимлар ривожланишининг замонавий босқичида методологик муаммолар аҳамиятини ўсиши.

2.Ижтимоийпсихологик тадқиқотни асосий методлари. Ижтимоий-психологик тадқиқотларда тўғри ва нотўғри методларнинг муносабати.

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
- 2.Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
- 3.Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
- 4.Кузмин Е.С. Основы социальной психологияЛГУ 2001
- 5.Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

3 – Мавзу.Шахслараро муносабатлар тизимида муомаланинг ўрни

Режа

1.Муомала тузилиши ва (функцияси) вазифалари.

Муомала тузилишининг мазмуни ва шакли.

2.Муомала жараёнини асосий томонлари: коммуникатив, интерактив, перцептив томонлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

4 – Мавзу. Ижтимоий психологияда гурухлармуаммоси

Режа

1. Кичик гурух тушунчаси.
2. Кичик гурухлар классификацияси: бирламчи ва иккиламчи гурухлар, расмий ва норасмий, аъзоли ва референт гурухлар.
3. Кичик гурухларда лидерлик ва раҳбарлик.

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

5 – мавзу: Ижтимоий установка

Режа

1. Ижтимоий установка тушунчаси.
2. Ижтимоий установкалар эмоионал когнитив ва ҳатти-ҳаракат компонентлари.
3. Ижтимоий установкака рўзгариши муаммоси ва уинг назарий ва амалий аҳамияти.

Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. - Кейс топшириғи

Катта илмий ходим ўзининг илмий тадқиқот иши бўйича методика танлашга зарурат сизди. Унга тадқиқот иши бўйича бир нечта методика тавсия этилди. Методикани ишончлилик масаласи бўйича сизга маслаҳат билан муурожаат қилди. Сиз ушбу масала юзасидан катта илмий ходимга кўрсатма беришингиз керак бўлиб қолди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Сиз ўз тавсиянгизни ишлаб чиқинг ва уни зарурат сезган ходимга тавсия этинг

2 -Кейс топшириғи


Психолог ташкилотдан психологик хизмат масаласи бўйича буюртма олди. Буюртмага кўра ташкилотдаги социал-психологик муҳитни ва жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатини ўрганиш масаласини кўйди. Психолог буюртмани олгач, тадқиқот ишларини амалга оширишни компьютер дастуридан фойдаланиш масаласини ташкилот раҳабариятига маълум қилди. Тадқиқот ўтказилишидан бир кун олдин психологга ташкилотга бир ҳафта мобайнида авария туфайли электр қуввати бўлмаслиги ва уларнинг буюртмасини кечиктирмасдан ўтказиш кераклигини маълум қилишди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Психолог психолог тадқиқот доирасидаги буюртмани ҳал қилиши учун қандай йўл тутиши керак бўлади. Масалани ҳал этиш юзасидан ўзингизни самарали вариантини тақдим этинг.

3– Кейс топшириғи

Корхонада иш самарадорлиги тушиб кетди. Раҳбар ходимларини жазолаш учун ойлик иш ҳаққиларини камайтириши тўғрисида қарор қабул қилди. Корхона раҳбари ва ходимлар шу масала бўйича келиша олмай жанжаллашиб кетдилар ва бир-бирларини беҳурмат қилиб ҳақоратга ўтдилар. ходимлар раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатларини кўриб нима дейишни ҳам билмай қолдилар.



Бу масала қандай ҳал қилинади? Раҳбар ва ходимларнинг ҳаракатлари тўғрими?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ижтимоий психологик ғоялар шаклланиши тарихи .
2. Ижтимоий психология фанининг предмети.
3. Шахслараро муносабатлар тизимида муомаланинг ўрни.
4. Мулоқотнинг коммуникатив томони
5. Ижтимоий психологияда гуруҳлармуаммоси.
6. Кичик гуруҳлар психологияси
7. Ижтимоий установка.
8. Халқлар психологияси.
9. Ижтимоий психология фанининг методлари.
10. Лидерлик ва раҳбарлик.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Individual	туғма ва ўзлаштирилган хусусиятларнинг ноёб уйғунлигини ифодаловчи алоҳида инсон.	the individual as a unique combination of its innate and acquired properties..
Коммуникация	(lot. communicatio — umumlashtiraman, bog‘layman) Инсон яратган техникавий тизимларда қуйидаги 4 та асосий К. тури бор: "инсон-инсон", "инсон-машина", "машина-инсон", "машина-машина".	Communication is simply the act of transferring information from one place to another
“Юмшок куч”	“номоддий, билвосита таъсир кучига эга бўлган – маданият, қадриятлар ҳамда мафкура қабила орқали дипломатик таъсирни ўзи ичига олади	Soft power is a concept developed by Joseph Nye of Harvard University to describe the ability to attract and co-opt rather than by coercion (hard power), using force or giving money as a means of persuasion. Soft power is the ability to shape the preferences of others through appeal and attraction
Метод	(синоними – усул): воқеликни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш операциялари ёки усуллари йиғиндиси.	(synonym - method): set of methods and operations of practical or theoretical understanding of reality.
Methodology	фанлар учун йиқналиш берадиган илмий билиш ҳисобланиб, у фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усуллари мажмуи ҳисобланади.	This is usually a ready-made "recipe", an algorithm, the procedure for carrying out any action aimed.

Individ	туғма ва ўзлаштирилган хусусиятларнинг ноёб уйғунлигини ифодаловчи алоҳида инсон.	the individual as a unique combination of its innate and acquired properties.
Интраактивлик	инглизча «Interack» сўзидан олинган бўлиб – ўзаро муносабат, бир-бирига боғлиқлик, ўзаро алоқа. Бу технология бир нуқтадан иккинчи нуқтага ахборот алмашаш шароитини яратади, яъни алоқа жараёнидаги барча иштирокчиларни бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлайди	Interaction is a kind of action that occurs as two or more objects have an effect upon one another. The idea of a two-way effect is essential in the concept of interaction, as opposed to a one-way causal effect.
Мулоқот	Мулоқот	communication
Конвергенция	бирлашиш, кўшилиш маъносини билдириб, ОАВ соҳасида икки йўналишда намоён бўлади: а) бир канал орқали турли медиа воситалар иштирокида ахборот етказиш; б) бир тахририят остида турли медиа каналларнинг мавжудлиги (матбуот, Интернет нашр, ТВ ва радиоканал ва х.зо).	In general, convergence is a coming together of two or more distinct entities or phenomena. Convergence is increasingly prevalent in the media; in this context the term refers to the combination of two or more different technologies in a single medium.
Психологик эксперимент	текширилувчиларнинг ҳаёт фаолиятига мақсадли илмий аралашув орқали психология ҳақидаги янги илмий билимларни олиш учун махсус шароитларда ўтказиладиган тажриба.	held in special conditions of experience to produce new scientific knowledge about the psychology of researchers through targeted interventions in the vital activity of the test.
Психологик тадқиқот	психик ҳодисаларни илмий ўрганишдир	scientific study of psychic phenomena
Визуализация	маълумотларни	Visualization is any

	визуал холатга ўтказиш талаби ва жараёни	technique for creating images, diagrams, or animations to communicate a message. Visualization through visual imagery has been an effective way to communicate both abstract and concrete ideas since the dawn of man.
Расмий гуруҳ	Расмий гуруҳ	formal group
Социал психология	Социал психология	Social psychology

Ⅷ. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2012, 172 б.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

Қўшимча адабиётлар:

6. Свеницкий А.Л. Социальная психология управления. Л., МГУ. 1985
7. Каримова В.М. Психология. Т. 2002.
8. Прикладная социальная психология. М. 1999
9. Немов Р.С. Психология в трех томах. М, 2005
10. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. «Университет». 1999

Веб сайтлар

1. www.ziyonet.uz
2. <http://psychol.ras.ru>
3. www.koob.ru